ГУЛЛА, ЯШНА ҲУР ЎЗБЕКИСТОН

ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

13 август 1996 йил, СЕШАНБА

№ 64 (311)

Ислом Каримов - Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти.

«Палея» халқаро нашриёти Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Барқарорлик ва ислоҳотлар» китобини чоп этди. Москвада, Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида тақдимот маросими бўлиб ўтган мазкур китоб «XX аср халқ доҳийлари» туркумида нашр қилинган.

Китобнинг «Ислом Каримов —Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти» деб номланган муқаддимасида, жумладан, шундай дейилади:

«...Ислом Каримов Ўзбекистон сиёсий майдонида шиддат билан ярқ этиб пайдо бўлди. Оддий, бироқ фикрлаш тарзи ўзига хос, ўз касбининг билимдони, лекин ҳамма вақт ҳам «қулай бўлмаган», фикрини истаган бошлиққа очиқ айта оладиган киши сифатида танилган Давлат режа қўмитаси мутахассиси Ўзбекистонни мустақилликка олиб келган республикадаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва етакчиси бўлади, деб 80—йилларнинг ўрталаригача ҳеч ким башорат қила олмас эди.

Ислом Каримовнинг таржимаи—ҳоли унинг миллионлаб тенгдошлариники сингари оддий. У 1938 йил Самарқандда хийла камбағал оилада дунёга келди. Болалиги урушга, усмирлиги эса анча оғир йилларга тўғри келди. Ота—онаси ўғли мактабни тамомлаб, Тошкентга келиб Политехника институтига ўқишга кирганда деярли ҳеч қандай ёрдам беришолмади. 1960 йил у инженер—механик дипломини олди.

1966 йил Каримов Давлат режа қўмитасига ишга ўтиб, фан бўлимининг бош мутахассислигидан раиснинг биринчи ўринбосари даражасигача бўлган пиллапояни босиб ўтиб, жиддий ва қобилиятли иқтисодчи сифатида обрў қозонди. У бу ерда фақат маъмурий—тақсимлаш тизими ички сирларинигина эмас, СССР Давлат режа қўмитасининг ҳашаматли биносида ин қурган ва моғор босган бюрократик аппарат билан тўқнашди. Бу ўринда шахснинг кучи ва тақдирини олдиндан белгилаш ҳақида гапириш ўринли бўлур эди. Ҳа, шундай. Аммо бошқа нарса ҳам бор. Бу—характер қудрати, билишга ташналик, ҳамма нарсага ўз идроки билан англашга интилиш. Каримов ана шундай эди ва худди шундай бўлиб қолмоқда! 1983 йил у молия вазири, 1986 йил эса Давлат режа қўмитаси раиси ва республика ҳукумати раиси ўринбосари бўлди.

Шундан сўнг Каримов таржимаи ҳолида кўпгина радикал—демократларга тинчлик бермаётган тугун пайдо бўлди: беш йил Коммунистик партиянинг катта лавозимларидаги фаолият. Дастлаб Қашқадарё вилоят партия комитети биринчи котиби, сўнг эса республика Компартияси МК биринчи котиби. Партиявий юксалиш ва ўша пайтдаги сиёсий иерархия чўққисига чиқиш энг аввало унинг профессионал маҳорати ва кам учрайдиган ишчанлигидандир».

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Ўзбекистоннинг жамики аҳолиси қатори Самарқандликлар ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил ғайрат қилмоқдалар.

Қадимий шаҳар кўчалари ва мавзеларида ҳозир байрамолди ишлари қизитиб юборилган. Янги уй—жойлар, меҳмонхона бинолари баопо этилмоқда, янгидан—янги хиёбонлар, спорт майдончалари, теннис кортлари қурилаяпти.

1 сентябр куни бу ерда «Асака банк» биносини қуриб битказиш ва уни фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Бундан ташқари, Акмал Икромов кўчасида янги савдо ярмаркаси очилади ва бошқа юбилей объектлари меҳнаткашларнинг фойдаланиши учун топширилади.

Т.ШЕРОВ.

«БЕРИНГЕР ИНГЕЛЬХАЙМИ»: ОЛИЖАНОБ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Бундан 110 йил муқаддам Франкфурт—Майн яқинидаги Ингельхайм шаҳрида (Олмония) тижорат ишлари маслаҳатчиси Альберт Берингер вино кислотаси ишлаб чиқарадиган чоғроқ фабрикани сотиб олди, фабрикани С.Н.Boehrinber Sohn номи билан атай бошлади. 1885 йилдан буён бу кичик корхона жаҳондаги энг йирик фармацевтика корпорациясиларидан бирига айланди. Бугунги кунда 144 компания «Берингер Ингельхайми»га бирлашган. Унинг қароргоҳи Ингельхайли шаҳридадир.

1885 йили иш бошлаган кичик корхонада атиги 28 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозир «Берингер Ингельхайли»нинг жаҳоннинг турли мамлакатларидаги компанияларида 30 мингдан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғи Олмониядан ташқарида ишлайди.

Оврупода фирмага қарашли 11 та фабрика мавжуд. Унинг энг йирик заводлари АҚШ, Канада, Япония, Австралия, Индонезия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда жойлашган. «Берингер Ингельхайми» Олмония, Австрия, Япония ва Америка Қўшма Штатларида 4 та энг замонавий илмий—тадқиқот марказларига эга. Корпорация халқаро бозорда ўз обрў—эътиборини баланд тутган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Бунга у технология ва маҳсулот сифатини муттасил-такомиллаштириб бориш туфайли эришди.

АҚШ ва Канадада юқумли касалликлар, иммунли ва шамоллаш хасталиклари, Австрияда молекуляр биология, Италияда марказий асаб тизими, Олмонияда ўпка ва юрак—қон томирлари тизими хасталиклари бўйича тадқиқотлар ўтказилаётир. Корпорация ҳар йили ўз оборотининг салкам 20 фоизини дори—дармонларни тайёрлашга ва уларни такомиллаштиришга сарфламоқда.

80—йиллар бошида Венада (Австрия) «Берингер Ингельхайми»га қарашли кичик компания—»Берингер Ингельхайми фарма ГмбХ, Вена» барпо қилинди, у Шарқий Оврупо ва МДҲ мамлакатлари бозорида маркетинг ишларини амалга оширади.

«Берингер Ингельхайми фарма» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фаолияти тўғрисида ваколатхонанинг маркетинг ишлари бўйича директори Аҳмаджон ТОШМУҲАМЕДОВ қуйидагиларни гапириб берди:

— 1993 декабрида фирманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилган эди. Бу эса компаниянинг республикада ва мазкур минтақада узоққа мўлжалланган режаларидан далолат беради. Ишимиздаги асосий вазифа—конгресслар, семинарлар ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари билан учрашувлар доирасида илмий ахборотларни етказишдан иборат. Дори—дармонлар таъминоти билан шуғулланувчи илмий ташкилотлар ҳамда тижорат тузилмалари билан яхши алоқа ўрнатганмиз. «Берингер Ингельхайми» Ўзбекистон билан узоқ вақт ҳамкорлик қилишни назарда тутади, ҳамкорлик ишлари эса эндигина бошланмоқда. Корпорация республика соғлиқни сақлаш тизими учун зарур шерик бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ваколатхона фаолиятининг энг муҳим йўналиши—Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика терапевтлар ва пулмонологлар илмий жамиятлари билан биргаликда иш олиб боришдан иборатдир. Ҳаётий зарур дори—дармонлар сонини аниқлаб чиқиш ана шу фаолиятнинг аниқ натижаларидан бири бўлди. Бунга «Берингер Ингельхайми» фирмаси тайёрлаётган ва пулмонология, диабет, гастроэнтерология, акушерлик ва гинекология соҳаларида қўлланиладиган дори—дармонлар ҳам киради. Биз Ўзбекистоннинг етакчи тиббиёт олимлари билан ҳамкорлик қилаяпмиз. Ана шу олимлар раҳбарлигида мамлакатнинг йирик тиббий марказларида биз тайёрлаётган дорилар клиник синовдан ўтказилади. Масалан, «Беродуал», «Мексил», «Гастроцепин», «Дитэк», «Ингакорт» дорилари шу тоифага киради. Синовлар ўтказиш учун клиник марказларга бепул берилган дорилар юксак самара бермоқда. Биз билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фармацевтика қўмитаси ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик эътиборга лойиқдир. 60 дан зиёд дориларимиз рўйхатдан ўтди.

Ваколатхонамиз кенг миқёсда ҳомийлик ишларини ҳам амалга оширмоқда. 1994 йил июнь ойида ўтказилган Марказий Осиё пулмонологлари ва аллергологларининг I конгресси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Музофотда айни ўпка ва аллергия касалликлари кўпроқ учраб туради. Ўтган йил октябрида «Берингер Ингельхайми» Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика терапевтлар жамияти, тиббий оёққа турғизиш ва физиотерапия илмий—тадқиқот институти билан биргаликда Ўзбекистон терапевтларининг IY съездини ўтказди. Съезд ишида Ўзбекистондан 900 дан зиёд мутахассислар, Марказий Осиё, Русия ва Австрия вакиллари иштирок этдилар. Шу йил май ойида Тошкентда фирмамиз ҳомийлигида Марказий Осиё диабетологларининг II Халқаро конгресси ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Русия тиббиёт ходимлари, олимлари қатнашдилар. Экологик жиҳатдан ноқулай бўлган Навоий шаҳрида минтақавий семинар ўтказдик. Бу хил тадбирларни бошқа саноат марказларида ҳам ўтказиш ниятимиз бор. Фармакология соҳасидаги янгиликларга доир китоблар тиббиёт ходимларига доимо ўз вақтида етиб бормайди—ку, ахир. Семинарлар туфайли эса улар аниқ касалликларга мўлжалланган дори—дармонлар тўғрисида энг янги ахборотлар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Фирма 360 номдан зиёд дори—дармонларни тайёрлаб чиқармоқда, бу дорилар ошқозон—ичак, спазма, бронхит, сурункали нафас қисиш касалликларини даволашга мўлжалланган. Масалан, шу гуруҳга кирувчи «Алупент», «Ингакорт», «Гастроцепин», «Фосфалюгел», «Бускопан» дорилари, «Таксофит» дармондориси бутун дунёга маълум.

«Берингер Ингельхайми» минтақада ахборотларни айирбошлаш ва ўз маҳсулотларини реклама қилиш мақсадида «Тиббиёт ва саломатлик—95», «Тиббиёт ва саломатлик—96» Халқаро кўргазмаларида қатнашди. Бу хил кўргазмаларда жаҳоннинг юзлаб йирик фирмалари иштирок этмоқдалар. Натижада Ўзбекистондаги «Жўрабек», «Абу Али ибн Сино ва табобат», «Фармед», «Узлекимпекс» каби йирик фармацевтика фирмалари билан шартномалар тузилди.

«Берингер Ингельхайм» фирмасининг дори—дармонларини Ўзбекистон аптека тармоқларида кўплаб учратиш мумкин. Дори—дармонларни тайёрловчи бу энг йирик фирма республикага инсонпарварлик ёрдамини ҳам кўрсатмоқда. Масалан, 1995 йили биз республикага 220 минг АҚШ доллари миқдорида дорилар бердик. 1996 йилнинг биринчи ярмида эса 125 минг АҚШ доллари миқдоридаги дориларни бепул топширдик. Бу борада биз «Соғлом авлод учун» хайрия фонди билан ҳам ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Фирмамиз ҳомийлиги туфайли республиканинг 80 дан ортиқ мутахассиси турли Оврупо конгрессларида ва бошқа халқаро анжуманларда қатнашиш шарафига мувaффақ бўлди. Бу мутахассислар, масалан, Берлинда ўтказилган Оврупо гастроэнтерологлар ҳафталигида, Стокгольмда бўлиб ўтган диабетологларнинг Халқаро конгрессида, Амстердамда ўтказилган Оврупо кардиологлар конгрессида иштирок этдилар.

«Берингер Ингельхайми»нинг иш юзасидан шериклари озмунча эмас, у янги алоқалар боғлаш учун ҳамиша шайдир. Ахир фирмага «Бугунги тадқиқотлар эртанги саломатликка мўлжалланган» ибораси шиор қилиб олинган. Корпорация маҳсулотлари МДҲ мамлакатларининг фармацевтика бозорига 20 йилдан зиёд чиқарилмоқда. Фирма шериклари бу дори—дармонларнинг юксак даражада сифатли ва фойдали эканлигига аллақачон ишонч ҳосил қилганлар.

«Берингер Ингельхайми» олижаноб мақсад йўлида—беморларни даволаш учун уларни замонавий дори—дармонлар билан таъминлаш соҳасида ўз шериклари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Фарҳод РАСУЛОВ

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев номли жамоа ширкатлар хўжалиги далаларида етиштирилган пахта ҳосилини кўрган Республика Президенти Ислом Каримов баранж ғўзалар ривожига яхши баҳо берган эдилар. Хўжаликда бир неча йилдан бери бригадир бўлиб ишлаган нафақахўр Алимардон Ҳолиқов ёшларга тажрибангизни ўртоқлашиб туринг, деб маслаҳат берган эдилар. Ҳозир хўжаликда 966 гектар пахта майдонида ғўзалар дуркун ўсмоқда. Ҳар гектар ердан 27 центнердан пахта ҳосили олиш учун парвариш қизғин олиб борилмоқда.

Суратда: Алимардон Ҳолиқов хўжалик раиси Баҳодир Ғуломов ҳамда сувчилар Н.Жабборов ва З.Раҳимовлар билан суҳбатлашмоқда. Пастда эса хўжалик далаларида етиштирилган ғўза пайкали акс эттирилган.

Эрғаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига

ВАТАННИ АНГЛАМОҚ БАХТИ

Публицистика

Бир дўстимни йўқлаб ўтишга тўғри келди. Эшикни очсам, уч—тўрт киши телевизор кўришаётган экан. Улардан икки нафари назорат органларининг ходимлари эди. Биринчисини анча йиллардан бери биламан, камтар, камсуқум, агар биров айтмаса, ҳеч қаерда ўзининг кимлигини сездирмайди. Тўрда оёғини чалиштириб ўтирган иккинчисига аввал кўзим тушмаганди. Кейин билсам, янги ходимлардан экан.

Қайсидир муносабат билан Россия телевидениеси орқали кўрсатилаётган ҳужжатли фильм собиқ СССРнинг тарихига бағишланган бўлиб қизил тарғиботга хос «совет кишилари» қулларча меҳнатини мадҳ этар, одамлар ўроқ ва болға тасвири туширилган қонсимон туғ остида автомашиналарни ҳайдашар, комбайнлар бошқаришар, пўлат қуйишар, пахта теришар, хуллас, уларнинг жаҳондаги энг қудратли ва бадавлат мамлакат фуқароси деб ўлган—тирилганларига қарамасдан жонларини жабборга беришарди.

Англия Бош вазири бўлган Уинстон Черчиллнинг «Мен Қизил армиясидан эмас, Шўроларнинг қизил мафкурасидан қўрқаман» деган машҳур сўзларини хаёлимдан ўтказганимча уққа учаётган, чанг ва ғубор ютаётган, шимол музликларида тараша қотаётган, оғир юмуш остида тобора эзилаётган бандаи бечораларга раҳми келар, 70 йил мобайнида ёлғону,алдовлар таъсирида дунёқарашимиз ва тушунчамиз нақадар торайиб кетганлигини, сарҳадларимиз ортидаги мисли кўрилмаган маърифат ва юксалишлардан бехабар қолганлигимизни ўйлардим. Шундай бўлмаса, бошқа жиҳатларини—ку қўя беринг, «Иттифоқ гуркираб турган» 1990 йилда овқат истеъмол қилишнинг ўзидангина халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлган 135 давлат орасида 101 ўринни ёки энг кам ривожланган Малайзиядан ҳам кейинги жойни эгаллармидик. Ушбу таассуротлар оғушида ўтирарканман, хона эгасининг айланма юмшоқ ўриндиғига чўккан, ёши ҳали йигирмадан ошмаган ҳалиги йигитча гўёки вужудини оғир дард қақшатаётгандек чуқур алам билан оҳ тортди:

— Қандай буюк ва бепоён Ватанимиз бор эди—я!

Тасодифан ўзида жаъмики заҳар—заққум мужассамлаштирган гармдори чайнаб олганингизда кимдир «роса ширин эканми?» деб масхаралаганми ёки тиззангизгача лойга ботиб кетаётганингизда «кўча хўпам соzда» дея ҳазиллашганми? Ўша тахлит ҳолатга тушгандай сездим ўзимни. Йигитча эса жиддий гапирар, сал бўлмаса, чўнтагидан рўмолча чиқариб кўз ёшини артмоқчи эди. Нидоси етмагандай яна қўшимча қилди:

— Шундай давлатни йўқотиб юборишди—я. Тарқатиб, парчалаб ташлашди—я!

Ҳўш, оғзингиздан бол томиб, юрак ҳуружингиз тутгандай соғиниб бегуноҳ инсоннинг ўлимига, бутун—бутун халқларнинг киндик қони тўкилган она заминидан ҳайдалиб сарсон—саргардон бўлишига сабабчи саналган ўша «СССР»ингизнинг ҳозирда ҳурлик ва озодлик шамоли эсаётган, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрнини топган эндиликда дунёдаги барча мамлакатлар томонидан тан олинган давлатимиздан қайси жиҳати афзал эди? Агар нимадир мақсад билан кўрсатилган киножурнал лавҳалари ҳаётий, рост бўлганида нега ҳозирга келиб Ҳамдўстлик давлатлари аҳолисининг ярмидан кўпи ночор, қорни нонга тўймасдан кун кечиряпти? Шунчалик кўну тунги меҳнатлар самараси қаёққа кетди?

«Амалдорча» ўз доҳиёна фикрини исботлаш учун «билимдонлик» билан «ҳаётий» мисоллар келтиришга ўтди:

— Қаранг, кеча марказий дорихонага кирдик. Менга айтганларимни топиб беришолмади—я! олдинлари шунақамиди? Ҳамма нарса тўкин—сочин эди. Бечора дорихонадагилар у ёққа зир югуришади, бу ёққа зир югуришади. Раҳмим кеп—кетди. Эссиз СССР!

Ўқув юртини кечагина тугаллаб қайтган, она сути оғзидан кетмаган, ўзини дуч келган ҳар қандай одамнинг танобини тортиб қўйишга қодир деб биладиган, кимларнингдир таъсирида ўтмишни бағри эзилиб қўмсаётган бу ёш амалдорга қолипга сиғмаганнинг қилиғи менга яқин—яқинларгача таниш дўкончилардан ва савдо базаларидан эшик қолиб тешикдан мол олиб чайқовчилик қилиб юрган бир олғирнинг оҳи—ноласини эслатди:

— «Коммунизм»да яшаган эканмиз, дерди текин даромад манбаидан ажралиб ҳаром пул топиш йўллари кесилган ҳалиги учар. — Қайси бир савдо шаҳобчасига кирманг, пештахталари молга тўла буларди.

(Давоми 2-бетда).

Фармон ва шарҳ

ТЕКШИРУВЛАР МУВОФИҚЛАШАДИ

Мулкчилик шаклларидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августда «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» Фармон эълон қилинди. Хўш, бу ҳужжатнинг долзарблик аҳамияти нимадан иборат?

Маълумки, республикамизда солиқ тўловчилар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Чунончи, ҳозир 148 мингдан ортиқ юридик шахс солиқ идораларининг рўйхатидан ўтган. 230 мингдан ортиқ жисмоний шахслар, яъни тадбиркорлар, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар фаолият кўрсатмоқдалар.

Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш мобайнида назорат қилувчи қатор органлар фаолиятига асоссиз аралашаётганликлари маълум бўлмоқда. Мана шундай салбий ҳолатларни тугатиш мақсадида, Фармоннинг аҳамияти каттадир.

Сир эмас, йил давомида бир корхонани ўзининг вазирлигига қарашли тафтиш бўлимидан ташқари, молия, солиқ, банк, санэпидстанция, электр тармоғи, Давлат стандарти, ўт ўчириш идораси, табиатни муҳофаза этиш тизими ва бошқа кўплаб идоралар текширади. Албатта, бундай ҳолатлар ҳар қандай корхонанинг кўрсаткичларига, кўплаб вақтнинг беҳуда сарф этилишига сабаб бўлади. Тўғри, ҳар бир тизимларнинг ўз ўрни бор, албатта, аммо улар ишини мувофиқлаштириб туриш масалаларида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётган эди. Демак, қабул қилинган ушбу Фармон шундай салбий ҳолатлар олдини олади

Фармонда хўжалик юритувчи субъектлар—юридик ва жисмоний шахсларнинг молия—хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш этишга доир барча ишларни мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (шахсан Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ш.Гатаулин) зиммасига юклатилди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тузилди. Кенгаш таркибига Давлат солиқ қўмитаси, Республика Президенти девонининг назорат инспекцияси, Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасидан, Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий ҳамда умумиқтисодиёт бўлимлари, миллий хавфсизлик, прокуратура, «Ўздавстандарт», молия, ички ишлар, адлия, соғлиқни сақлаш вазирликлари, Марказий банк, «Ўзистиқболстат», Давлат мулки, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бошқа тизимларнинг мутасадди раҳбарлари киритилди.

Фармонда мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий—хўжалик фаолиятини қонунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилиши кўрсатиб ўтилган. Бундай текшириш ва тафтиш ишлари мазкур кенгаш билан келишув асосида олиб борилмаган тақдирда жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли ери шундаки, илгари жуда кўплаб вазирликлар, концернлар, корпорация, уюшма, Давлат қўмиталарида (Давлат солиқ қўмитаси ва Молия Вазирлиги бундан мустасно) идоравий тафтиш хизматлари фаолият кўрсатар эди. Бироқ, улар томонидан ўтказилаётган текширишларнинг самараси сезиларли даражада эмас эди. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда, Фармонда юқорида қайд этиб ўтилган тузилмаларда ҳозирда мавжуд бўлган тафтиш хизматларини тугатиш, улар ўрнига эса ўз таркибида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил этувчи аудиторлик шаклларини қўллашни жорий этиш масалалари киритилди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан режа асосида ўтказиладиган текширишларнинг йиллик, ярим йиллик ҳамда ҳар бир чоракка мўлжалланган жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш масалалари ҳам ушбу Фармонда кўрсатиб ўтилган. Эндиликда хўжалик юритувчи субъектлар хоҳ у юридик шахс бўлсин, хоҳ хусусий тадбиркор бўлсин, эркин—эмин фаолият юритишга, сурункали текширувлардан холис бўлган ҳолда ғайрат қилишга эришадилар, деб ўйлайман.

Фармон ижросини амалга ошириш йўлида тушунмовчиликлар, қийинчиликлар ёки айрим камчиликларга йўл қўйилаётган ҳолатлар аниқланса Республика Давлат солиқ қўмитасида ўрнатилган «Ишонч телефони»га (41—76—00) қўнғироқ қилишингларни сўраймиз. Сиз ушбу телефон орқали ўзингизни қизиқтирган масалалар бўйича жавоблар олишингиз мумкин. Бундан ташқари, худди шундай телефонлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳри Давлат солиқ бошқармалари ва республика ҳудудидаги барча шаҳар ва туман Давлат солиқ инспекцияларида ҳам ишлаб турибди.

Ғуломжон МУСАЕВ,
Республика Давлат солиқ қўмитаси солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби услубиёти бошқармаси Бош Давлат солиқ инспектори.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Россия бош вазири В.Черномирдиннинг тузилажак маҳкамаси қайси партия ёки фракцияга мансублигидан қатъий назар, Россиянинг буюк шахсларидан иборат бўлади — чет эл ва Россия Матбуот ходимлари шундай фикрни изҳор этмоқдалар. Давлат думасининг мадади, шубҳасиз, Россия ҳукуматининг мамлакатда инфляцияни идора этиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Кўплаб иқтисодий муаммоларни ҳисобга оладиган бўлсак, деб давом эттиради улар ўз фикрларини, В.Черномирдин иккинчи тўрт йиллик муддатда катта муваффақиятларга эриша олмайди. У ҳукуматни бошқаришга розилик билдириб, зиммасига жуда оғир юк олди. Ҳозирги вақтда кўпдан—кўп иқтисодий муаммоларга тоб бериш, шунингдек, Б.Ельциннинг жуда катта ваъдаларидан кейин ўсиб кеттан халқ орзу—умидларини оқлаш жуда қийин бўлади.Давлат думасининг мажлисида В.Черномирдин шулар ҳақида гапирди.

****

Россия Бош вазири В.Черномирдин якшанба куни Чеченистон бўйича Давлат комиссиясининг мажлисини ўтказди. Унинг айтишича, Чеченистондаги Федерал кучларни мустаҳкамлаш юзасидан қарор қабул қилинган. Куч ишлатувчи идоралар вакилларига тегишли топшириқлар берилган. Адлия вазирлигига зудлик билан Грозныйда фавқулодда ҳолатни жорий этиш масаласини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Хавфсизлик кенгаши котиби Александр Лебедь якшанба куни Чеченистон — Доғистон чегарасидаги Хасавюрт шаҳрига келган. У билан бирга Россия мусулмонлари иттифоқи раиси Нодир Хачилаев ҳам шу шаҳарга келган. Улар чечен қаршилик ҳаракати раҳбарлари билан учрашишмоқчи. Бир кун олдин А.Лебедь Россия Президентининг Чеченистондаги ваколатли вакили этиб тайинланганди. Журналистлар фикрича, чеченлар бу хабарни умид билан кутиб олганлар.

****

Грозныйда жанглар давом этмоқда. «Озодлик» радиостанцияси мухбирининг хабарига кўра, шаҳар маркази чечен қаршилик ҳаракати отрядлари қўлида турибди. Ичкерия ахборот вазири М.Удуговнинг айтишича, якшанба куни эрталабдан Россия бронетехника колонналари ва махсус вазифа отрядлари бир неча бор шаҳар марказига ёриб киришга эришганлар. Бироқ, бу ҳужумларга зарба берилган. Унинг айтишича, шу куни Грозныйда тахминан 4,5 минг чечен жангчилари ҳаракатда бўлган. Яқин орада улар сони яна 1 минг кишига кўпайиши кутилган. Чечен жангарилари Аргун шаҳрини ҳамон ўз қўлларида тутиб туришибди. Шаҳарда озиқ—овқатлар ва ичимлик сув қолмаган. Уларни юзлаб кўчага чиққан аҳоли отишмалар ва бомбардимонлар қурбони бўлмоқдалар. Минглаб қочоқлар Грозныйни тарк этиб кетмоқдалар.

****

Алматида Эрон ва Қозоғистон ҳукуматларининг нефтни экспорт қилишни кўзда тутувчи ҳужжатнинг имзоланиши билан Қозоқистон нефтини янги экспорт йўли билан жаҳон бозорига олиб чиқиш имконияти туғилган. Шартномага кўра ҳар йили Эрон Қозоғистондан 2 миллион тонна нефтни олиб, уни жаҳон бозорига чиқаради.

****

Қирғизистон Республикаси келгуси йилдан бошлаб ўзи учун керакли донни ўзи етиштиришни таъминлайди. Мутахассислар фикрича, республика аҳолисининг бир йиллик эҳтиёжи 800 минг тонна донни ташкил этади. Қирғиз деҳқонлари келаси йилдан бошлаб 900—950 минг тонна ғалла етиштира бошлайдилар.

****

Белоруссь ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари матбуот конференцияси ўтказиб, унда А.Лукашенко ҳукуматини кескин танқид қилиб чиқдилар. Белорус Президенти А.Лукашенко импичмент (муддатидан илгари чиқариб олиш)га лойиқдир, деди матбуот конференциясида Белорус парламентининг инсон ҳуқуқлари, миллий масалалар ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар комиссияси раиси Владимир Нестюк.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш лигаси раҳбари Евгений Новиков шу муносабат билан, Польша ҳамкорлик ҳаракати раҳбарининг қамоққа олиниши ва мамлакатдан чиқариб юборилиши билан боғлиқ воқеани эслади. Шунингдек, у Белорус турмаларида 60 мингдан ортиқ махбуслар чидаб бўлмайдиган даражада тор жойларда сақланаётганлигини айтди. Улар ишсиз ва маъмурият зўравонлиги остида қолиб кетмоқда. Европа иттифоқига аъзо бўлаётган мамлакатда бундай бўлиши мумкин эмас, дея сўзини якунлади Е.Новиков.

ХОРИЖДА

Ҳеч бир Исроил ҳукумати мустақил Фаластин давлатининг яратилишига йўл қўймайди. Фаластин газеталаридан бирига интервьюсида Исроил Бош вазири Б.Натаняху шу ҳақда баёнот берди. У Исроил ўзи босиб олган араб ерларида — Иордан дарёсининг Ғарбий қисми ва Ғазо секторида яҳудийлар шаҳарчаларини бунёд этишни давом эттириш ниятини ҳам тасдиқлади. Б.Натаняху Қуддуси Шариф Исроилнинг ягона ва бўлинмас пойтахти деб таъкидлаб, шаҳар статуси мунозаралардан холи, деди.

Фаластин раҳбари Я.Арафат, Исроил сиёсати фаластинликлар, бир қисмини очликдан ўлим чегарасига олиб бориб қўйиши ва Фаластин исёнининг қайта тикланишига олиб келиши мумкин, деди. Қуролли можаронинг тикланишига қаршиман, дея баёнот берди у, бироқ Исроил Фаластин ҳудуди билан ёндош чегараларни ёпиб қўйгани учун кўпчилик ҳозир бошқача фикр юритишга мажбур бўлмоқда. Ясир Арафат Исроил Бош вазирини олдинги ҳукумат раҳбарлари имзолаган битимларга риоя этишга чақирди.

****

Иордания қироли Ҳусайн Саудия Арабистонига келди. У сўнгги олти йилда илк бор Саудия қироли Фаҳд билан учрашди. Улар Яқин Шарқда тинчлик жараёнларини, иқтисодий алоқалар ва хавфсизлик бўйича ҳамкорлик масалаларини муҳокама этишлари кутилмоқда. 1990 йилдан бери бу икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар таранг аҳволда эди. Ўшанда Иордания Қувайтдан Ироқнинг босқинчи армиясини ҳайдаб чиқаришга қаратилган коалицияга кирмаганди.

****

Туркия Эрон билан 20 миллиард долларга тенг ҳажмдаги табиий газни сотиб олиш бўйича битимга келишганини маълум қилди. Вашингтоннинг Эрон билан бизнес алоқалари олиб борувчи чет эл компанияларини жазолаш бўйича таҳдидларига қарамай, Туркия бу ишга қўл урди. Кеча Теҳронда Туркия Бош вазири Н.Эрбакан ушбу битимни имзолади. Бу битим АҚШ Президенти Б.Клинтон, Эроннинг энергетика саноатига 40 миллион доллардан ортиқ маблағни инвестиция қилувчи чет эл компанияларини жазолаш бўйича Вашингтонга рухсат берувчи қонунни имзолаганидан бор—йўғи бир неча кун кейин имзоланди. Битимга кўра Эрон Туркияга йилига 4 миллиард куб метр ҳажмда табиий газни етказиб беради.

****

Сомалида бир ҳафталик сукунатдан сўнг фракцияларaро қақшатқич жанглар авж олиб кетди. Фракциялардан бирининг раҳбари Муҳаммад Сараайтид ўлими бунга сабаб бўлди. Хабарлардан бирида аэропортга олиб борувчи стратегик муҳим шосседа юз берган тўқнашувларда 12 киши ўлдирилди, ўнлаб кишилар яраланди, дейилади.

Жаҳон матбуот агентликлари материаллари асосида

Касаба уюшма ҳаёти

ТАҲЛИЛ ЯХШИ—Ю, АҲВОЛ ҚАЧОН ЎЗГАРАДИ?

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Самарқанд вилоят қўмитасининг IУ пленумидан

Қишлоқ хўжалиги вилоятнинг етакчи тармоғи. Шунга кўра агросаноат мажмуи касаба уюшмаси аъзолари сони вилоят касаба уюшма ташкилотининг ярмидан кўпрогини ташкил этади. Назаримда, балки шу сабабдан касаба уюшмалари ишидаги муаммолар мазкур тармоқ қўмитаси ва ташкилотлари фаолиятида яққолроқ кўзга ташланади. Зеро, вилоят қўмитасининг IУ пленумида бугунги куннинг долзарб вазифалари муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитасининг 1996 йил 27 июнда Самарқандда бўлиб ўтган кўчма раёсати қарори асосида тармоқ меҳнаткашларининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги вазифалар хусусида фикр юритилди.

Қишлоқда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг бир қирраси аҳолига шахсий томорқа, уй—жой қуриш учун ер майдони ажратиш, шахсий чорвани ривожлантиришга кўмаклашишдир. Вилоят касаба уюшма қўмитасининг маълум даражадаги иштироки ва таъсирида кейинги беш йилда қишлоқдаги 71624 оилага томорқа, 1995 йилда 9466 оилага ер участкаси ва уй қурувчиларга Халқ банки томонидан 23 миллион сўмдан зиёд давлат қарзи берилишига эришилди. Меҳнаткашларга тармоқ корхоналарида етиштирилаётган маҳсулот, мол ва парранда гўшти арзон нархда сотилаётгани ҳам муҳимдир.

1996 йилнинг январига келиб қишлоқ хўжалигида 5500 дан зиёд нодавлат корхоналари фаолият кўрсата бошлади. Вилоятда ишлаб чиқарилган гўштнинг 81 фоизи, сутнинг 78,0 фоизи, картошканинг 61,7 фоизи, сабзавотнинг 45 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Энг муҳими, бу корхоналарда қишлоқ кишилари иш билан банд этилиши касаба уюшма ташкилотлари саъй—ҳаракатининг натижасидир. Бундан ташқари вилоятда қишлоқ хўжалигида банд бўлган хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳам давлат тасарруфидан чиқарилди. Маиший хизмат муассасалари, турли устахонлар, таъмирлаш марказлари, қайта ишлаш корхоналари, тегирмон, жувоз ва ҳакозолар шулар жумласига киради. Бир сўз билан айтганда, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки самараси кўзга ташланиб қолди.

Бироқ, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда тегишли ҳудуддаги серсув, иқтисодий, демографик: руҳий—маънавий шароит тўлиқ ҳисобга олинмай шошма—шошарликка йўл қўйилди. Шунинг таъсирида бундай хўжаликларда ишлаб чиқариш режаси бажарилмай қолган. Рентабеллик пасайган. 1995 йилда вилоятда қишлоқ меҳнаткашларининг ўртача ойлик иш ҳақи 569 сўмни ташкил этди. (Республикада 758 сўм). Ачинарлиси, шу даврда чорва маҳсулотлари 22 фоизга, деҳқончилик маҳсулотлари 17 фоизга кам ишлаб чиқарилди. Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари эса вазиятни чуқур таҳлил қилмай, ўзининг аниқ таклифларини киритмай томошабин бўлиб қолмоқдалар.

Вилоят касаба уюшма қўмитаси молиявий танқисликка қарамасдан, ўз тасарруфидаги 8 та санаторий—профилакторий, 18 та болалар оромгоҳи фаолиятини тўхтатиб қўйгани йўқ. Уларда йил сайин кўпроқ оила соғломлаштириляпти. Гап шундаки, вилоят қўмитасининг туман ҳокимликларига мурожаатидан сўнг оромгоҳларга ер ажратилиб, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Иш тўғри йўлга қўйилган жойларда аҳвол тубдан ўзгарди. Масалан, Каттақўрғондаги А.Муминов номли оромгоҳ жамоаси 10 гектар майдон ҳисобига ўтган йили 178 минг сўм даромад олди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ айрим ҳокимликларнинг, хўжалик раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли бу борадаги масалалар тўлиғича ҳал қилинмаяпти. Шу сабабли Пахтачи туманидаги «Хумор», Нуробод туманидаги «Қушчинор», Гўзалкент туманидаги «Юлдуз» болалар оромгоҳлари жиддий қийинчиликларга дуч келаяпти.

Маданий—маърифий тадбирларни, жисмоний тарбияя ва спорт мусобақаларини уюштириш борасида ижобий ўзгаришлар бор. Вилоят касаба уюшма қўмитасига қарашли 84 та клуб, 59 та кутубхона, 14 та кино қурилма, 21 та ўйингоҳ, 436 та турли спорт майдонлари ишлаб турибди. Бу жойларда ўтказилаётган турли тадбирларга минглаб кишилар жалб этилган. Хусусан, 1996 йилда тармоқда ўтказилган «Ўзбекистон—Ватаним маним» кўрик — танловида тармоқ касаба уюшмаларига қарашли барча маданият уйларининг бадиий ҳаваскорлари қатнашдилар. Бундан ташқари хўжалик, корхона, муассаса, ўқув юртларида ҳам турли тадбирлар уюштирилаяпти. Аммо, очиғини айтганда, қишлоқлардаги маданият муассасалари, кутубхоналар иши ҳали талабга тўла жавоб бермайди. Улар ишини янада жонлантириш чоралари кўрилиши керак.

Спорт соҳасида ҳам шундай. Албатта, республика миқёсида ибрат бўлгулик ишлар ҳам бор. Ургут, Булунғур, Нарпай туманларида ўтказилган спорт мусобақалари, Булунғур вино комбинати ҳомийлик қилаётган касаба уюшмаларига қарашли «Диёр» футбол жамоаси республика I лигасида тўп сураётгани, Ургут туманида бир йилда 3 та катта ўйингоҳ ишга туширилганлиги шулар жумласидандир. Касаба уюшмаларининг «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти қайта тикланганлиги оиавий спорт ишлари ривожлантирилишига янги имкон бергани шубҳасиз.

Вилоят касаба уюшма қўмитасининг раиси Э.Эргашев пленумдаги маърузасида юқорида қаламга олинган масалаларга батафсил тўхталди. Маърузачи алоҳида таъкидлаганидек, иш муваффақияти кадрларга боғлиқ. Жойларда касаба уюшма ташкилотларининг раҳбарлари қанчалик қатъият билан ишласалар, масалаларни ҳал этиш шунчалик тезлашади. Бунинг учун улар ҳар соҳада билимдон бўлишлари зарур. Шуни ҳисобга олиб вилоят касаба уюшма қўмитаси фаолларининг ўқувларини, кўчма семинарларини мунтазам ташкил этмоқда, қуйи ташкилотларга амалий ёрдам ҳам бермоқда.

Пленумда муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан агросаноат мажмуи ходимлари Иштихон туман қўмитаси раиси М.Худойқулов, «Пахтасаноатсавдо» бирлашмаси раисининг ўринбосари Х.Салоҳиддинов, Самарқанд шаҳар қўмитаси раиси А.Қораев, Пахтачи туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси А.Ашуров ўз фикр— мулоҳазаларини билдирдилар. Пленум Марказий Қўмита раёсатининг 1996 йил 27 июндаги кўчма мажлиси қарорини бажариш юзасидан вилоят касаба уюшма қўмитаси ишлаб чиққан тадбирларни тасдиқлади ва тагишли қарор қабул қилди. Пленумда касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси М.Боқиева қатнашди.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларга ҳуқуқшунос Музаффар Ибрагимов жавоб беради.

Турмуш ўртоғим билан ётоқхонада турамиз. Икки нафар фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим мен билан ажрашмоқчи. Фарзандларим билан мени турур-жойимдан чиқариб юборишадими?

Феруза САРМОНОВА,
Тошкент вилояти,
Сирғали тумани

Ҳурматли Феруза Сармонова! Сиз ёзган хатингизда турар-жой қайси корхонага қарашлигини ва нима сабабдан ажрашаётганингизни кўрсатмагансиз. Бу ҳақда сиз яшаётган туман судига ариза ёзиб жавобини олинг. Агар суднинг қарори сизни қониқтирмаса шу қарор билан бизга мурожаат қилинг.

Суднинг жавоби чиқмасдан туриб сизни ҳеч ким кўчириб чиқаришга ҳаққи йўқ.

Турмуш ўртоғим билан суд орқали ажрашганмиз. Уч нафар фарзандим билан отамнинг уйида яшаяпмиз. Уйнинг менга тегишли қисмини ажратиб бериш масаласи бўйича судга мурожаат қилганимда суд ходимлари: суд уйни ажрим қилиши учун сиз аввал давлатга уй баҳосининг 15 фоизини тўлашингиз керак деб жавоб беришди.

Оддий бир ўқитувчи бу маблағни қандай тўлашим мумкин? Уларнинг жавоби тўғрими?

Дилфуза ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Самарқанд вилояти

Сизнинг ёзган хатингизни батафсил ўқиб чиқиб шуни маълум қиламизки, сиз яшаб турган жойингиздаги туман судига мурожаат қилинг. Бу масалани суд сизга уй баҳосининг 15 фоизини тўламасдан ҳал қилиб беришга ҳақлидир.

Агар халқ суди сизга кўмаклашмаса у пайтда судга ким ажралиш учун ариза берган бўлса ўша киши тўлайди.

Мен ўйлайманки, сизга ва болаларингизга уй-жой ускуналари ва уйдан тегадиган қисмини ижобий ҳал қилиб берадилар. Агар қониқарли жавоб бўлмаса, суднинг чиқарган қарорини бизга юборинг.

Рўзномангизнинг 1996 йил 9 июль сонида «Биздан сўрабсиз» номли саҳифасида берилган бир саволга «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси «к» бандида кўзда тутилган устама ҳақ урушдан кейин вафот этган уруш ногиронларининг беваларига ҳам берилади деб жавоб берилган. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Қамбарали ЖЎРАЕВ,
Фарғона вилояти,
Сух тумани ижтимоий
таъминот бўлими

Ҳарбий хизматдагиларни, шунингдек ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, меъёрлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Пенсия ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги Қонунида назарда тутилган асосларда пенсиялар олиш ҳуқуқи ҳам берилади. Бунда ҳарбий хизматчилар, шунингдек ички ишлар органлари ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар пул таъминотининг барча турлари фуқаро шахсларнинг иш ҳақи сингари бир хилда ҳисобга олинади.

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг «в» бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган турмаганлигидан қатъий назар тайинланади. Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам кейинчалик кун кечириш учун зарур пул манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунидаги вафот этганлар оилаларига тааллуқли бўлган ҳамма қоидалар, бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам, агар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, тегишли равишда жорий қилинади.

Юқоридаги Қонуннинг 19-моддасида кўрсатиб ўтилган оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Марҳумнинг бирор турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса - боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар. Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинланиши учун зарур иш стажига эга бўлган бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Юқорида тилга олинган Қонуннинг 26-27 ва 29-моддаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;
б) II гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;
в) III гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;
г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;
д) I гуруҳ ногиронларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;
е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;
ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;
з) Уруш йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг - 30 фоизи;
а) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) - энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида;
к) Ўзбекистон Республикасида алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга - хизматларига қараб - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизигача пенсияларига устама ҳақ тўланади.

Пенсияга устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъий назар қўшиб ҳисобланади.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишига 28-модданинг «а», «б» ёки «в» бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг «к» бандида кўрсатилган устама ҳақ қўшиб ҳисобланиши мумкин.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича 28-модданинг «г», «д» ёки «е» бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг «ж» ёки «з» бандларида кўрсатилган устама ҳақлардан бири, шунингдек «к» бандида кўрсатилган устама ҳақ қўшиб ҳисобланиши мумкин.

Ногирон вафот этган тақдирда унга белгиланган имтиёзлардан унинг бошқа никоҳга ўтмаган эри (ёки хотини) фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига

ВАТАННИ АНГЛАМОҚ БАХТИ

(Боши биринчи бетда).

Ташқарисида бўлмаса, ичкарисидан эплаштиришингиз мумкин эди.

Букаламундек бир юмалаб қиёфасини ўзгартириб олган, кўпчилик орасида истиқлол шарофати хусусида оғиз кўпиртириб, аслида шимолдаги ўзи сингари юлғич ва муттаҳам шериклари туфайли оқиб келиб турган жарақ—жарақ даромаддан айрилганига чидамасдан юрган бундай баднафс кимсалар ўзбек тилига давлат мақоми берилганида ҳам норозилик билдиришган. Гўёки, она тилимиз «қатъийроқ гапириш, фикрни тўлароқ изҳор қилиш, маданийроқ муносабат учун ожизлик қилармиш». Бу қабилидаги донолар бир жиҳатдан ҳақ. Дарҳақиқат, тилимизда бировларнинг дилини оғритадиган, ўзгаларга фириб бериб алдаб кетадиган сўзлар кам ишлатилади ва булар гуноҳи азим саналади. Хуллас, бундай бетайин кимсалар учун туғилган юрти, қулликда яшайдими, озодликдами — барибир. Текин даромад, мансаб, сохта обрў гадоси бўлган бебатан бу тахлитдагиларга она тили йўқолиб битадими, ота—боболаридан мерос келаётган қадимий қадриятлар, анъаналар, неча минг йиллик урф—одатлар унутиладими, қилча безовта қилмайди.

Ажабо, наҳотки, киши ёлғиз қорни учун яшаса? Неча—неча авлодлар меҳнати, ақли—шуури, қони ва жони эвазига бунёдга келган, одамзот камолати йўлидаги улкан хизматлари еру осмон қадар юксалган буюк фарзандлар юрти хўрликни қўлга киритганлиги, беш йилдирки унинг фуқаролари озодликнинг ҳаётбахш шабадасидан нафас олаётганлиги уларда заррача бўлмасин, фахрланиш туйғуларини уйғотмаса? Шундай кезларда Президентимизнинг катта анжуманда куйиб—пишиб айтган сўзларини беихтиёр хотирлайсан. Қаторимизда ҳамон ўтмишни қумсаётган, узоқлардан қандайдир шубҳали битишувлар орқали келиб турган текин даромаддан айрилиб қолиб ҳозирда ўзини қаерга қўйишга жой тополмай юрган кимсалар йўқ эмас. Тўғри, янги рўзғорда вақтинчалик етишмовчилик юз беришлиги боғча ёшидаги гўдакка ҳам аён. Ахир, собиқ иттифоққа бирлашиш ёвгон шўрвага шерик бўлиш билан баробар—ку!

Республикамиз истиқболи порлоқ эканлигини жаҳондаги ном чиқарган иқтисодчи ва сиёсатчилар ҳам тан олишмоқда. Ер усти ва ер ости бойликларимиз, меҳнаткаш халқимиз интилиши бундан далолат эмасми! Биргина Асака шаҳридаги «УзДЭУавто» қўшма корхонасини олайлик. Шунинг ўзигина Ўзбекистоннинг катта салоҳияти ва имкониятларидан далолат бермаяптими?! Шундай кезларда Ватанни қумсаш, мустақил Ватанга орзумандлик, туғилган юртингни ўзгалар билмаслиги ва тан олмаслигидан ўкиниш ҳамда аламзадалик билан ўтказган бир тунни қайтадан бошдан кечираётгандай бўламан. Истиқлолимиз аҳамиятини ҳалигача англаб етмаётган, бунга ақли—фаросати, заковати камлик қилаётган нафс бандалари билан бирга яшаётганимдан ўкиниб кетаман.

... Бу воқеа 1967 йилнинг айни ёз ойларида юз берганди. Тақдир тақозаси билан Югославиянинг яқиндагина қонли жанглар борган Дубровина шаҳри, афсонавий Адриатика денгизи соҳилидаги Жаҳон ёшлари оромгоҳида дам олаётган собиқ Иттифоқдан ташриф буюрган гуруҳ таркибига Ўзбекистондан беш—олти йигит—қиз қўшилиб қолдик. Ер юзининг барча бурчакларидан ёшлар келадиган бу маскан ўзининг субтропик иқлимига хос географик ўрни, об—ҳавоси билангина эмас, балки чинакам ёшликка хос беташвишлик, қувонч ва беғуборлик сурури туйғусига тўла эди. Дастлабки кунларда бегонасираб юрсак—да сал ўтмасдан, умумий оломонга сингиб кетдик. Боғчадаги турли миллатга мансуб болакайлар ўзаро чуғурлашиб тил топишганидек, биз ҳам имо—ишоралар ёрдамида сўзлашар, ўз фикрларимизни тушунтиришни эплаштирардик.

Бир сафар қумлоқда, денгиз соҳилида тўрт—беш йигит—қиз тўпланишиб қолдик. Қаердан эканлигимизни, касб—коримизни айтишиб таниша бошладик. «СССР» умумий тушунчалигини, қолаверса, хорижда буни яхши англаб етишмаслигини, «Русия» номи билан юритилишини эътиборга олиб ўзимни «Ўзбекистонликман» дея уқтиришга уриндим. Надоматлар бўлсинким, ҳарчанд тиришмайин беш—олти йил ўқиб ўрганган инглизча сўзларни ишга солмайин, тенгдошларимдан ҳеч бири ўша замонларда «СССР Конституцияси»га «катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган» ва «ўзига мустақил» шундай юрт борлигини билишмас эди. Шу пайт ёнгинамиздан гуруҳимиз раҳбари, комсомол марказқўми ходими ўтиб қолмайдими. Мени имо билан четга чақирди.

— Бу ерда ҳеч қанақа «Ўзбекистон», «Тошкент» деган гап йўқ, — деди дакки бериб. — Ватанимиз СССР. Тушундингизми? Яна шунақа ҳаракатингизни пайқаб қолсам, партия ташкилотингизга ёзиб юбораман.

Инсон зотининг Ватани бўлади, уни иккинчисига алиштирганни сотқин дейдилар. Менинг Ватаним Ўзбекистон эди. Мен шуни хорижлик тенгдошларимга уқтиришга уриндим холос. Афсуски, бунинг уддасидан чиқа олмадим. Балки, яхши тил билмаслигимдан шундай бўлгандир. Эҳтимол, бунинг айбдори инсоният маданиятининг ўчоқларидан саналган юртимни еб—ютиб юбормоқчи бўлган қизил империянинг мафкураси сабабчидир бунга. Хуллас, ўша тун кипригимга уйқу қўнмади. Жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган қанчадан—қанча алломаларни етказиб берган жонажон Ўзбекистонимизни ҳамма билишлигини, тақдир тақозаси билан ўзга элларга йўли тушганлар мен сингари ҳижолат тортмаслиги орзу қилдим. Бугун ана шу эзгу ниятим рўёбга чиққанлигидан Ватаним байроғи БМТ биноси майдонида ўнлаб мамлакатларга очилган элчихоналаримизда хилпираётганидан акаси савдо базаси директорлигида ўқишга кириб олиб, яна қандайдир йўллар билан уни битириб чиқиб, ҳозирда ўзини осмонда фахмлаётган, кимларнидир таъсиридан ҳамон чиқмаётган «амалдорча» сингари ҳамон «қизил тарғибот» ақли шуури заҳарланиб ғафлат уйқусидан уйғотмаётганларнинг СССРни қумсаётганлар шу нарсани тушуниб олишларини жуда—жуда истамайман...

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси

Оққўрғон туманида жойлашган Автобус-токсамотор парки ҳайдовчиси Исоқов Ҳусниддин. 11 йилдан буён автобус рулини бошқариб келаяпти. 1985 йили Олмалиқдаги шофёрлик курсини тугатган. У кунлик ҳамда ойлик планларини доимо ошиғи билан бажариб келмоқда. Меҳнатсевар, хушмуамалали бу ҳайдовчини Оққўрғон аҳолиси ҳурмат билан тилга олади.

Суратда: Ҳусниддин ИСОҚОВ «Қуйлиқ-Оққўрғон» йўналиши бўйича йўлга чиқиш олдидан.

Ҳусанбой АВВАЛОВ
сурати.

ДУО ҚИЛДИК

Газетангизда чоп этилган Эркин Маликовнинг «Саодатли кун» ҳикоясини ўқиб ниҳоятда таъсирландим. Муборак жума куни ҳикояни намозхонларга ҳам ўқиб бердим. Улар ҳам жуда берилиб ҳикоя тафсилотларини тингладилар. Баъзиларнинг кўзларидан ёш ҳалқаланди. Ҳикоядаги Ҳожи бобо ҳақига дуо қилдилар. Ана шу тахлитдаги мақола ва ҳикоялар эзгуликка чорлайди, одамийлик эшикларини кўрсатади. Ана шундай Ҳожи боболар тўғрисида газета саҳифаларида кўпроқ ўқишни истар эдик.

Тошмуҳаммад ОМОНОВ,
Жиззах вилояти, «Зафаробод» тумани, С.Раҳимов номли ижара—ширкатлар бирлашмаси

Иқтисодиёт хабарлари

ЗАФАРОБОДЛИКЛАР ЗАФАРИ

Жиззах вилоятида Зафаробод тумани ғалла етиштиришда ва давлатга сара дон топширишда карвонбошилик қилди. Улар қабул пунктларига 15 минг 300 тонна дон топшириб йиллик режани удаладилар. Урим—йиғим 20 иш кунида тугалланди. Далаларда 54 та дон ўриш комбайни, 4 та «Кейс» юқори унум билан ишлади. Улар давлатга яна 1000 тонна дон етказиб бериш мажбуриятини олишди.

Туманда ҳосилдорликни ошириш учун катта кураш олиб борилди. Натижада ғаллакорлар гектаридан 30 центнердан, Охунбобоев, Собир Раҳимов номли хўжаликлар 34 центнердан, Б.Исмоилов, А.Бозорбоев, Ҳ.Ҳасанов, Б.Муҳаммадиев бошлиқ бригадалар 50 центнердан хирмон кўтардилар.

Ғаллакорлар ўзларини етарли миқдорда уруғлик билан таъминладилар. Ортиқча ғалла ва емни аҳолига сота бошландилар.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларида ўтган ҳафта бўлиб ўтган кимошди савдоси ва танловларда 148 та иншоот янги мулкдорлар қўлига ўтди. Уларнинг сотилиш қиймати 27 млн. 267 минг сўмни ташкил этди. Кимошди савдосида Тошкент вилояти, Самарқанд шаҳари, Андижон, Наманган ва Самарқанд бўлимлари катта кўрсаткичларга эришдилар.

****

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 79 та ҳиссадор жамоалар қатнашди. Уларнинг 357941 дона оддий акциялари 67425673 сўмга харид қилинди. Бу савдода «Ўзбектуризм»нинг Тошкент шаҳаридаги 23 та жамоаси катта маблағга эга бўлдилар.

Замонамиз қаҳрамонлари

«САВОБ ИШ ҚИЛИШ КЕРАК»

Ижодкор, санъаткор бўлиш учун одамла истеъдод бўлиши керак, деган иборани кўп эшитамиз. Ҳақиқатдан ҳам бу гапнинг замирида жон бор. Менимча, тадбиркор ва ишбилармон бўлиш учун ҳам истеъдод зарур. Примқул акада ана шундай ҳислат мужассам. У ёшлигиданоқ ҳар бир ишнинг кўзини билиши, саранжом—саришта ҳаракатлар билан атрофдагиларнинг диққатини тортарди. Ишда ҳам, рўзғорда ҳам аниқ ҳисоб—китоб билан фаолият юритиб, кўпчиликнинг ҳавасини келтирарди. Бундан ўн беш йиллар олдин у Даштобод шаҳрида Зомин бадиий буюмлар фабрикаси қошида буёқ ишлаб чиқариш цехи очган эди. Цех қисқа вақт ичида кўпчилик назарига тушди. Ишни кўнгилдагидек уддалаган Примқул Азимов тез орада фабрикага директор бўлди. Зомин бадиий буюмлар фабрикаси республикамиз енгил саноатчилари орасида етакчи ўринга чиқди. Республикамиз мустақилликка эришгач, тадбиркор ва ишбилармонларга янада кенгроқ йўл очилди. Хусусий корхоналар сафи кўпайди. Давр билан ҳамиша ҳамнафас яшаган Примқул ака 1992 йилда Даштобод шаҳридаги буёқ ишлаб чиқариш цехини хусусийлаштиришга қарор қилди. Натижада Жиззах вилоятида биринчи бўлиб «Ёрқин» лак—буёқ ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хусусий цехини ташкил этди. Хусусий цех ўз низомида биринчи галда аҳолига хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эътиборни қаратди.

Лак—буёқ ишлаб чиқариш учун корхона барча техник восита ва жиҳозлар билан таъмирланди. Буёқ тайёрлаш учун керакли бўлган порошок Тошкент шаҳридан келтириладиган бўлди. Буёқ учун кўп миқдорда алиф зарур. Шунинг учун ҳам Примқул ака цех қошида ёғ тайёрлайдиган жувоз ташкил қилди. Ана шу жувоздан масхар, зиғир, кунгабоқар каби ўсимлик ёғи олиш йўлга қўйилди. Одатда, бундай ўсимлик ёғи тайёр алиф ҳисобланади. Цех азаматлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари билан шартнома тузиб, қовун, тарвуз доналаридан ҳам ёғ олишни йўлга қўйдилар. Бу биринчи галда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таннархини камайтирди. Ҳозир цех бир суткада 1,5 тонна буёқ ишлаб чиқариш қувватига эга.

Хусусий цех жамоаси Зомин тумани аҳолиси ва ташкилотларини буёқ маҳсулотлари билан таъминламоқда. Бу ерда кетаётган рангдаги буёқни топиш мумкин. Ана шу маҳсулотларни бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятлари буюртма асосида олмоқдалар. Цех ишбилармонлари фақаттина буёқ — краска ишлаб чиқариш билан чекланишмаяпти. Айни пайтда цех қошида нонвойхона, аралаш моллар магазини, қассобхона, ғишт ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, енгил автомашиналарга хизмат кўрсатиш, елимлаш устахонаси ҳам мавжуд. Келажакда цех қошида ошхона ва тегирмон очиш кўзда тутилмоқда.

«Ёрқин» лак—буёқ ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хусусий цехида йигирма нафар ишчи хизмат қилади. Цехнинг хусусий юк автомашинаси, трактор ва бошқа техник воситалари бор. Узоқни кўзлаб иш юритаётган тадбиркор Примқул ака цех қошида ёрдамчи хўжалик ташкил қилган. Бугунги кунда унинг 40 дан ортиқ қорамоли бор. Ишчи—хизматчиларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархда сотилади, Бундан ташқари, уч гектар ерда қишлоқ хўжалик ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Жамоа яқин келажакда яна 50 гектар қўшимча ер олмоқчи. Улар бу майдонга пахта экиб, унинг чигитидан ўсимлик ёғи олиш, унинг бир қисмини цех эҳтиёжига ишлатса, бир қисмини аҳолига сотишни мўлжаллашмоқда. Пахта — сердаромад соҳа. У чорвани ҳашак билан таъминлаш имконини ҳам яратади.

Ишчи—хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш — шу куннинг талабидир. Цех ишчилари бепул махсус кийим—бош билан таъминланган. Примқул ака Зоминнинг хушманзара маскани Уриклидаги турар—жой биноларининг бирини «Кимошди» савдосида сотиб олди. 9 ўринли бу иншоот ишчи—хизматчиларнинг дам олиш масканига айлантирилди(

— Самарали ва сифатли маҳсулот тайёрлаши учун ишчи—хизматчиларга барча қулайликлар яратилган, — дейди цех касаба уюшма қўмитаси раиси Низом Қаландаров. — Аввало, ҳар бир ишчи билан маъмурият шартнома тузган. Шартнома бандларининг бажарилишини мунтазам назорат қилиб турамиз.

Дарҳақиқат, лак—буёқ ишлаб чиқариш жараёнида саломатликка таъсир кўрсатувчи омиллар мавжуд. Шу боис ишчилар ҳар куни сут маҳсулотлари билан таъминланади. Цехда меҳнат қилувчи барча ишчи—хизматчиларга бир маҳал бепул иссиқ овқат қилиб берилади. Ишдан кейин ювиниш учун душ ва бошқа шароитлар мавжуд. Ҳар бир ходим техника хавфсизлиги бўйича савол—жавобдан ўтказилган. Шанба—якшанба кунлари оммавий равишда ишчи—хизматчиларнинг тоққа чиқиб дам олиши ташкил этилади.

1996 йил юртбошимиз айтганидек, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида юксалиш йили бўлади. Ана шу юксалишларда хусусий корхоналарнинг ҳиссаси катта. Ҳақиқий тадбиркор ва ишбилармон бугунги ютуқлар билан чекланиб қолмайди, аксинча у ўз фаолиятини янада жонлантириш учун ривожланган мамлакатлар ишбилармонларининг тажрибасини ўрганади. Примқул ака ана шундай изланувчан тадбиркорлардан. Унинг хусусий цехи ишлаб чиқараётган шлок—блок ғишти шаҳар ва қишлоқ аҳлининг талабини қондириб турибди. Ғишт маҳсулоти ўзининг мустаҳкамлиги ва арзонлиги билан ажралиб туради. Келгусида хом ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Хусусий цех собиқ маҳаллий саноат вазирлигидан ажралиб чиққан. Бугун республика маҳаллий саноат корпорацияси хусусий цех билан алоқа ўрнатмоқда. Примқул аканинг истаги, корпорация хусусий тадбиркорлар учун ёқилғи мойлаш моллари учун махсус фонд ажратса янада яхши бўларди. Шунда хусусий ва кичик корхоналарнингхизмат кўрсатиш доираси ва фаолияти янада жонланган бўларди. Унинг самараси эса халққа, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
Жиззах вилояти

Икки хил муносабат, икки хил натижа

ҒАЙРАТГА ЯРАША ШАРОИТ ЙЎҚ

Тадбиркорлик, мустақил иш юритиш, деҳқон хўжаликларини ташкил этишга кенг йўл берилаётган ҳозирги даврда ёшим олтмишни қоралаганига қарамай, мен ҳам хусусий фаолиятни юритишга ният қилдим. Шу мақсадда Ҳисор ширкатлар уюшмаси билан шартнома тузиб, «Қосимий» деҳқон-фермер хўжалигини очдим. Уюшма менга 15 гектар ерни ажратиб беришга берди-ю, аммо ажратилган жой ўта тошлоқ эди. Бунга ҳам рози бўлдим. Аммо ерни ҳайдаш, зироат экиш катта муаммо туғдирди. Тузилган шартномага асосан хўжалик техника бериши лозим эди-ю, бироқ уюшма раҳбарлари техника беришдан бош тортишди.

Хўш, нима қилиш керак? Ер олдим деб қўл қовуштириб ўтириш керакми? Уюшма раҳбарларига борсам, «Сизга биз янги жой бердик, ерни «Хисорак» механизациялашган кўчма колонна қурувчилари текислаган, ўшаларга мурожаат қилинг» дейишди. Ваҳоланки, ерни ширкатлар уюшмаси мазкур кўчма колоннадан қабул қилиб олган. Майли деб, МККга ҳам бордим. Улар ерни топширганмиз, бошқа бизни безовта қилманг дейишди. Охири туман ҳокимига (Х.Раҳмонов) мурожаат қилдим. Ҳоким аризамни кўриб, туман фермерлар уюшмаси (раиси Абдухалил Умировга) юборди. У яна «Хисорак» МКК (бошлиғи Адҳам Аллаев)га учрашинг деган маслаҳат берди. А.Аллаев масалани эртага, индинга ҳал қиламиз деб тўрт ойни ўтказиб юборди. Онангга бор, отангга бор қабилидаги муомаладан чарчаб, ерни ўз кучим билан ҳайдатишга мажбур бўлдим. Аммо ер сув оқадиган канал сатҳидан ярим метр баланд. Шу боис қилган 10 минг сўмлик харажатим чиппакка чиқди.

Иккинчи бор туман ҳокимига мурожаат қилдим. У аризамни кўриб чиқиб, амалий ёрдам кўрсатишни ўз муовини Худойқуловга юклади. Худойқулов ҳам эрта бўлади, индин бўлади, деб 3-4 ой аравани қуруқ олиб қочди. Бу борада МКК бошлиғи Адҳам Аллаев ишдан бўшаб, ўрнига Баҳодир Муҳаммадиев деган йигит бўлди. Отасига раҳмат, унга мурожаат қилгандим, 2 та скрейпер берди. У ерни бир ой текислади. Жойни ишга тушириш учун яна ҳайдаш керак эди. Яна ширкатлар уюшмаси раиси Самадулла Сафаровга мурожаат қилдим. Ҳарқалай бу гал у трактор берди. Аранг 8 гектар ерни ҳайдашга улгурдик. Биз пахта экиш учун уюшма билан шартнома тузгандик. Бироқ уюшма раҳбарлари моллар ейдиган ошқовоқ экасан деб туриб олди. Биз бунга рози бўлдик. Аммо ерни экин экишга тахтлаш учун техникадан ёрдам бермади. Охири мажбур бўлиб, 15 гектар ернинг 2 гектарига ошқовоқ экдик. Ҳозир мазкур экинни парвариш қилмоқдамиз.

Бир нарсага ҳайронман. Рўзғоримда 19 киши бор. Мақсадим, биринчидан оиламни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлса, иккинчидан ҳозирги иқтисодий танглик шароитида ўз хўжалигимни, ўз ҳамқишлоқларимни арзон ва мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан баҳоли қудрат таъминлаш эди.

Яна бир нарса. Кредит олиб, техника харид қилиб, чорвачиликни ривожлантирмоқчи эдим. Бу уринишларим ҳам баъзи ташкилотларнинг айби билан саробга айланди. Лойиҳанинг мураккаблиги, устама фоизнинг юқорилиги, дебюдентнинг кўплиги бизга ўхшаган фермерлар учун ҳеч қандай имтиёз бермайди.

Республикада деҳқон-фермер хўжаликларига кенг йўл очиб берилаётган бир пайтда туман ҳокимлиги ва ширкатлар уюшмалари раисларининг эътиборсизлигини қандай баҳолаш мумкин? Амалий ёрдам бериш ўрнига унга бор, бунга бор деб сарсон қилишларини қандай тушуниш керак?

Ёшим олтмишга яқинлашган бир пайтда деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этиб, халқимизнинг дастурхонини тўкин қилишга ғайрат қилганимда шарт-шароитлар етарли эмаслигидан ўкиниб кетаман.

Тоғаймурод ҚОСИМОВ,
Яккабоғ туманидаги «Ҳисор» ширкатлар ушмасига қарашли «Қосимий» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи.

1996 йил — Амир Темур йили

ҲУСАЙННИНГ СОҲИБҚИРОНГА ҲИЙЛАСИ

Ҳазрати Амир Темур ҳаётида ҳозирги Деҳқонобод ҳудуди билан боғлиқ воқеалар анчагина. Чиғатой улусининг амири Қозағоннинг набираси бўлмиш Амир Ҳусайннинг Соҳибқиронга ишлатган ҳийласи ва Амир Ҳусайн билан Соҳибқирон ўртасидаги сўнгги жанглар ҳам мана шу ҳудудларда бўлиб ўтган. «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедицияси аъзолари икки амир тўқнашган жойларнинг ҳозирги манзараси билан танишдилар. Агар жанглар бўлиб ўтган жойларнинг тузилиши, номи, дарёлар, ирмоқлар, тоғ йўллари, уларнинг ҳолатини тарихий қўлёзма манбалар билан қиёсланса айнан ўхшашликнинг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, Амир Темур Амир Ҳусайннинг синглисига уйланган бўлиб, улар ўртасида қариндошчилик мавжуд эди. 1361—1365 йиллар мобайнида Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасидаги муносабатлар яхши бўлган. Бироқ, 1365 йилги «жанги лой» деб аталмиш муҳорабадан сўнг ўрталарида адоват пайдо бўлганди. Аслида Амир Ҳусайн Мовароуннаҳрда салтанат байроғини кўтарганлардан бири бўлиб, унинг ўзи Мовароуннаҳр тахтига ўтиришни орзу қиларди. Ҳатто Амир Темурнинг ўзи Амир Ҳусайнни «давлатига шерик» деб эълон қилганди. Мовароуннаҳрнинг айрим ҳудудлари ҳам Амир Ҳусайн қўлида бўлган. Амир Ҳусайн Амир Темурнинг салтанати азимати ва шон—шавкатининг кундан—кунга кучаяётганлигини кўриб, унга ҳасад уйғонади. Ҳийла—найранглар ишлатиб Қарши қалъасини олиб ҳам қўяди. Амир Ҳусайн Қарши қалъасини қўриқлаб туриш учун Қўрғонбеги Амир Мусо бошчилигида етти минг отлиқ аскар тайинлайди. Кейинроқ у ерга қўшимча яна беш минг отлиқ аскар юборган. Амир Ҳусайн шулар билангина кифояланиб қолмайди. У зимдан Амир Темурни ўлдириш режасини туза бошлайди. Унинг бу ҳаракатлари Соҳибқироннинг салтанат ғайратини туғёнга келтиради. У кучли режа ва уринишлар натижасида Қарши қатъасини қўлга киритади. Албатта, бу ғалаба хабари тез фурсатда Амир Ҳусайнга етиб боради. Амир Ҳусайн очиқ жанг йўли билан эмас, макру ҳийла йўли ила Амир Темурни мағлубиятга учратиш ва шу билан бутун Мовароуннаҳр ҳукмронлигига эришмоқчи бўлади. Шу ниятини рўёбга чиқариш учун Амир Ҳусайн макр—ҳийладан иборат ўз режасини ишлаб чиқади. Яъни Амир Ҳусайн ҳар икки тараф ҳам юзта киши билан Танги—Чакчакда (ҳозирги Деҳқонобод ҳудудида) учрашиш лозимлигини ва у жойда садоқат ва дўстлик аҳдини янгиламоқни таклиф қилади. Шу жойда Амир Ҳусайн Амир Темурни катта қўшин билан қўлга олишни ўйлаб қўяди. Бу воқеалар тафсилоти Шарафиддин Яли Яздийнинг «Зафарнома» асарида батафсил баён этилган: «Амир Ҳусайн Ҳизр—хазиначини ўзи қасам ичган Қуръон билан ҳазрат Соҳибқирон ҳузурига юборди ва (яна шундай деган эди): «Ўртамиздаги душманлик мамлакатнинг вайрон бўлиши ва раиянинг сарсон бўлишига олиб келади. Ҳамда аниқ биламанки, сенинг юутун борлиғинг мусулмонларга яхшилик қилиш ва қўл остингдагиларга марҳамат кўрсатиш учун яратилган. Менинг фикримча, тўғри маслаҳат шулдирки, бул томон лашкари Чағонода (ҳозирги Денов) ва ул тарафники эса Ҳузорда тўхтаб турса. Ҳар биримиз юзта киши билан Танги—Чакчакка (ҳозирги Чақдаро Деҳқонобод туманида) етиб борсак, у ерда садоқат ва дўстлик аҳдини янгиласак. У шундай мустаҳкам бўлсинки, бундан сўнг игвогарларда бизнинг орамизга кирмоққа мажол қолмасин. То биз бир—биримиз билан иноқ бўлмас эканмиз, мамлакат тинчланмайди.

Ҳазрати Соҳибқирон бу таклиф Амир Ҳусайннинг навбатдаги ҳийла найранги эканлигини яхши биларди. Негаки, улар аввал Шамсиддин Кулол қабрига (Шаҳрисабзда жойлашган) бориб ҳам ўзаро дўстлик изҳор қилишиб садоқат қасамини ичишган эдилар. Шундан кейин ҳам Амир Ҳусайн яна уч маротада Қуръони Каримни қўлига олиб дўстлик бобида қасам ичганди. Аммо, Амир Ҳусайн бир маротаба ҳам ўз аҳдига вафо қилган эмас. Шундай бўлсада, Амир Темур ўрталаридаги қариндошчилик туфайли Амир Ҳусайнга ҳар доим мурувват кўрсатиб, муросаю мадора қилиб келарди. Ҳатто Амир Темурдан Балх ва Ҳисори Шодмон вилоятларини Амир Ҳусайн тортиб олганда ҳам Соҳибқирон Ҳусайнни қаттиқ сиқувга олмаган эди.

Ҳазрати Соҳибқирон аниқ тадбир эгаси бўлсада, атрофдагиларнинг раъйига қараб иш тутди: «амирлар бир овоздан ярашмоқ маъқуллигини ва топишмоқ яхшилигини тасдиқлаганлари учун, Амир Темур уларнинг кўнглига қараб, Амир Ҳусайннинг аҳди ва ваъдасига мувофиқ иш тутди. Яъни лашкарини Ҳузорда қолдирди. Ўзи эса, жангда синалган уч юзта мукаммал сипоҳ билан уларга яхши отлар тақдим этиб, йўлга чиқди: мақсади икки юз киши билан ваъда қилинган жой Танги—Чакчакка бориш эди». Аммо Амир Ҳусайн ўз режасида бўлганидек, макр ишини бошлади. У Ҳазрати Соҳибқироннинг яқин дўстларидан бири Шер Баҳромни қатл этди. Сўнгра уч мингта сараланган отлиқни Соҳибқирон томон жўнатди. Тонг чоғи Амир Ҳусайн отлиқларни худди селдай Амир Темур устига бостириб келади. Тасодифни қарангки, буюк саркарда улар келишидан олдинроқ ваъда қилинган жойга бормоқчи бўлиб отланган эди. Соҳибқирон ғанимлар етиб келганлигидан хабар топгач, тезлик билан от сурди. Танги—ҳарамга (Қашқадарё вилоятидаги Деҳқонобод қишлоғи, туман маркази). етганда ўз одамларини ўтказиб, душманлар йўлини тўсади ва жангга киришади. Амир Темур Амир Ҳусайн лашкарларининг дарага кириб кетгунгача сабр қилади. Лашкарларнинг бир қисмини уларнинг қайтиш йўлини тўсишга буюради. Шу тариқа дарада икки ёқдан қамалиб қолган ғаним лашкарларининг кўп қисми қириб ташланади. Душманлар қайта—қайта ҳужумга ўтадилар. Қотилиш, яъни Чакдоликнинг иккала суви ҳозирги Чакгар тизмасининг шимолий ва жанубий этакларидан оқувчи — Ғузордарёнинг асосий ирмоқлари Урадарё ва Кичик Урадарё сойлари Чакдолик (бошқа номи Қотилиш, ҳозирги Пачкамар сув омборининг ўрнига бўлган) иккала суви қўшилган жойга етганда душманларда олға юришга мажол қолмайди. Амир Ҳусайннинг бу ҳийла найранги ҳам унга омад келтирмади. Буюк ғалабадан илҳомланган Мовароуннаҳр ҳукмдори озгина сипоҳ билан Ҳузордан ўтиб Қаршига боради. Буюк саркарда ҳаётида Деҳқонобод ҳудуди билан боғлиқ воқеалар кўп, албатта. Бизнингча, энг муҳими — воқеалар бўлиб ўтган жойларга қандайдир белгилар қўйилиб, воқеалар тафсилоти қисқа баён қилиб қўйилса айни муддао бўлур эди.

Фахриддин АШРАФХЎЖАЕВ,
«Амир Темур илмий халқаро экспедицияси»нинг раҳбари

Асакадан мактублар

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ УЛАНГАН МАСКАН

«Салом дўстим Баҳодир! Соғ—омон юрибсанми? Оила аъзоларинг тинчми? Бирга ишлаган оғайниларимиз Жалол, Ҳамид, Турсунбойлар яхшими? Ўзбекистонда ўтказган кунларим ҳеч—ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Бепоён пахтазорлар, чексиз боғлар, Шаҳрихонсойнинг тўлқинланиб оқиши, Асака боғининг «Чўнтак» даҳасида ошхўрлик қилганларимиз бир умр хотирамда сақланади. Меҳнаткаш ва меҳмондўст халқингиз менга жуда—жуда ёқди. Корхонада ишлар қандай кетяпти? Серқуёш мамлакатингизга хизмат билан бориб қайтишаётган ватандошлардан, ҳамкасблардан доим сўраб—суриштириб тураман. Айтгандай, маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлабсизлар, табриклайман. Дастлабки 52 та «Дамас» автомобилини англиялик ишбилармонлар сотиб олганлигини газеталарда ўқиб билдим. Хат ёзиб тургин!

Ҳурмат билан дўстинг Пен Хва».

Баҳодиржон олис Кореядан келган хатни ўқиб узоқ ўйга толди. Ҳаёлида бироз қисиқ, аммо самимият порлаб турган Пен Хванинг нигоҳи намоён бўлди. Қандай ажойиб, дилкаш йигит эди. Тўғри, дастлабки пайтларда мулоқотлари бироз қийин кечди, муносабатларида имо—ишоралардан фойдаланиб юришди, тил билмаслик, деган ғов анча тўсқинлик қилди. Яхшики, Пен Хва келишидан олдин рус тилини ўрганишга интилганлиги, Баҳодиржоннинг кореялик мутахассислар келишларидан олдин шу халқ тили бўйича тайёргарликдан ўтганликлари ўртадаги мураккабликни аста—секин бартараф этиб борди ва охир—оқибатда бир—бировларини оғиз очмаслариданоқ тушунадиган бўлиб қолдилар. Муҳими, Баҳодиржон дўсти ёрдамида корейс тилини бир мунча эплаштиришнинг уддасидан чиқди, меҳмон эса олти ой ичида рус тили қолиб ҳийла ўзбекча гапириб атрофдагилар олқишини олди. Ҳатто, Шаҳрихонга бориб Баҳодиржоннинг отаси Нормат тоғага қўлини кўксига қўйиб салом бериб ўз билганича ўзбекчалаб ҳол—аҳвол сўрашгача бориб етди. Йигит шуларни фикр ойнасидан ўтказар экан, Пен Хва билан танишган ва ундан автомобилларга сўнгги пардоз бериш ҳунарини ўзлаштирган дамларни яна бир бор эслади.

...Баҳодиржон Қўқон автомобиль йўллари техникумини тугатгач уйига қайтди ва Шаҳрихондаги автокорхоналарнинг бирида механиклик вазифасида ишлади. Орадан икки йилга яқин муддат ўтар—ўтмас уларнинг шаҳрига қўшни бўлган Асакада Корея билан ҳамкорликда қўшни корхона бунёд этилаётганлиги юзасидан хушхабар эшитди. Аслида, ўзининг иши ҳам ёмон эмас, олаётган маоши рўзғор табратиш учун бемалол етаётганди. Лекин етукликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, киши улкан ишлар қилишни ,янгиликлар яратишни, унинг ижодкорлари сафида бўлишни хоҳлайди. Жумладан, Баҳодиржон ҳам режалаштирилган корхона, шубҳасиз янги технологияга, энг замонавий транспорт воситаларига ишлаб чиқаришга асосланишини тушуниб етди. Шунинг учун бу иш билан шуғулланаётган идора саркорларига бориб учрашди.

—Сал шошилибсиз,— дея илтимосига жавоб қайтаришди унга.— Ҳали корхонага ишга қабул қилиш ҳақида гапиришга вақт эрта. Даставвал уни қуриб битказайлик. Бу масалага шундан кейин ўтамиз.

— Менга барибир,— қатъий туриб олди Баҳодиржон. — Қурилишда меҳнат қилиш учун оддий ишчиликка олсангизлар ҳам розиман. Фақат шу ерда ишласам бас.

Қарабсизки, автомобилсозлик бўйича ўрта махсус мутахассислик эгаси ҳисобланган йигит қурувчи коржомасини кийди, белкурак тутди. Бетон қоришдан тортиб ғишт уришгача бунёдкорлик ҳунарини ҳам эгаллади. Меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, зийрак ва тўғри сўзлиги билан обру қозонди. Ниҳоят фурсат етиб корхона цехлари ишга тушганида Ўзбекистонимизнинг дастлабки автомобилсозлари қаторидан ўрин олди.

Турган гапки, бу ҳунарнинг ўзига хос талабларини пухтароқ ўзлаштиришга тўғри келди. Бў борада Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида тузилган шартномага биноан ташриф буюрган корейс мутахассислари катта ёрдам бердилар. Улар аввалига ишга қабул қилинган йигит—қизларнинг автомобилсозлик юзасидан билимларини синовдан ўтказдилар, сўнгра корхонада ишлаб чиқариш кўзда тутилган автомобил русмлари бўйича тушунчалар беришга киришдилар.

Олис юртдан келган меҳмонлар орасидан нозикдан келган, кўзойнакли новча йигит Баҳодирга жуда ёқиб қолди. Рус тилини чала—чулпа билар, таржимон йўқ пайтларида ҳам ўрганган сўзлари ва имо—ишоралар ёрдамида бўлса—да мақсадини уқтиришга интилар, хуллас, вақтни бекор ўтказишни ёқтирмасди. Орадан бир—бир ярим ойлар чамаси фурсат кечгач, ҳатто, 50—60 та ўзбекча сўзни ҳам ўрганиб олишга улгурди. Орада корхона маъмуриятининг ташаббуси билан олий ва ўрта махсус мутахассислар гуруҳига корейс тилини ўқитиш бошланди. Қарс икки қўлдан, деганларидек, ҳар икки қутбнинг ўзаро яқинлашувга уриниши ҳамиша ўз самарасини кўрсатганидек, мулоқотлар тобора изга тушиб, бир—бировларини тушуниш осонлашди.

Энди Баҳодиржон янги орттирган дўсти Пен Хва билан ишдан ташқари ҳам кўришиб тқришар, ётоқхоналарда суҳбатлар, чойхоналарга бошларди. Ҳатто бир сафар Шаҳрихонсой бўйидаги соя—салқин, ток ишкомлари томгача ўрмалаб чиққан хонадонларига таклиф қилди. Янги дўстининг ташрифидан ота—онаси—ю, барча оила аъзолари хурсанд бўлишди. Меҳмон эса маҳаллий одатга кўра, ўзининг ҳурмати учун қўни—қўшнилар лаганларда дастурхонга ўралган паловларни кўтариб чиқишганларида қойил қолганлигидан уларни бирма—бир суратга туширди. Пен Хванинг Ўзбекистонимизга белгиланган сафар муддати тугаб қайтиб кетишидан бир кун илгари Асака боғининг машҳур «Чўнтак» даҳасидаги чойхонасида дўстона кузатиш маросимини уюштиришди. Унда республикамизнинг турли жойларидан келиб ишлаётган ва шу ерда ўзаро дўстлик ришталари билан боғланган тожик йигити Жаббор Разоқков, рус йигити Алексей Иванов, қозоқ Мирсултон Фаязов ва бошқалар ширин тилакларини билдирдилар, дўстликни узоқ вақтгача сақлаб қолишга ваъдалашдилар. Йил охиридаги гуруҳ сафида Баҳодир Расулов Жанубий Кореяга жўнайди. Ўшанда дўсти Пен Хва билан албатта учрашишга қарор қилган. Биз ҳам ушбу орзуси амалга ошишига тилакдошмиз.

«Ишонч» мухбири.

Акс—садо

ҚЎШИҚЧИЛИГИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Газетамизнинг шу йил 58 сонида Ҳамза номидаги академик драма театрининг директори Ёқуб Аҳмедовнинг «Ҳуррият ҳавосидан баҳрамандлик» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Мақолада «бугунги кунда санъаткорлар ҳам ижтимоий муҳофазага муҳтож»лиги алоҳида таъкидланган. Ана шу мақолага акс—садо сифатида Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат академик ва халқ бадиий жамоалари директорининг муовини Муслим Исмоилов билан суҳбатни ҳукмингизга ҳавола қиламиз.

— Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Ўзбекнаво» гастрол бирлашмаси фаолиятини бошлади. Бу мумтоз мусиқа ва қўшиқчилик санъатимизни асраб—авайлаш, бойитиш, тўлдириш, замонавий куй, қўшиқ ва рақс санъатини янада ривожлантириш, келгуси авлодларга етказиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, ёш иқтидорли санъаткорларни юзага чиқариш каби хайрли мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

— Ҳақиқатан ҳам, «Ўзбекнаво» гастрол бирлашмасининг ташкил қилиниши ҳаммамиз кутган муҳим воқеа бўлди. Бизнинг Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат академик ва халқ бадиий жамоалар дирекциямиз «Ўзбекнаво» гастрол бирлашмасининг муҳим бўғини. Жамоамизга Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов етакчилик қилмоқдалар. Муҳтарам юртбошимизнинг гастрол бирлашмасини тузишга оид Фармонини амалга ошириш учун фаолиятимизни тубдан ўзгартиришга интилаяпмиз. Бир қатор бадиий гуруҳлар, масалан Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Аҳмаджон Шукуров, Ортиқ Отажонов, Муножот Йўлчиева, шунингдек таниқли хонандалар Нуриддин Ҳайдаров, Олимжон Орифжонов, Султонпошша Ўдаева, Мавлуда Ойнақулова раҳбарлигидаги қатор ижодий гуруҳларимиз, айни замонда Ўзбек мумтоз ашула ва рақс ансамбли дирекциямиз қошида фаолият кўрсатмоқда. Бу ижодий гуруҳларни тузишдан мақсад вилоят ва шаҳарлар, олис қишлоқлар аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни осонлаштириш, яхшилашдан иборат. Чунки катта жамоаларни муайян вилоят ёки шаҳар—қишлоққа олиб бориб, концерт намойиш қилиш катта сарф—харажатлар талаб этади. Шу жиҳатдан кичик—кичик ижодий гуруҳлар бу борада қўл келади.

— Ҳаммамиз мустақиллигимизнинг беш йиллигини кенг нишонлаш арафасида байрам кайфияти билан яшаяпмиз. Байрамларни, тантаналарни санъаткорларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

— Ҳа дирекциямизга қарашли бадиий жамоаларнинг барчаси мустақиллигимизнинг беш йиллиги тантаналарида пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида тайёргарлик кўраяптилар. Асосий тантаналар ўтадиган Мустақиллик майдонидан ташқари бошқа йирик майдонлар ва ҳиёбонларда ҳам санъаткорларимиз байрам кунлари халқимиз хизматида бўлади.

— Дирекцияга жуда кўп бадиий жамоалар бирлашган, дедингиз. Улар байрам тантаналарига тайёргарлик кўриш, умуман машқлар ўтказишда жой масаласида қийналиб қолмаятиларми?

— Муайян қийинчиликлар йўқ эмас. Маъмурий биномиздан бошқа бинонинг йўқлиги жамоаларимиз фаолиятида муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Шу сабабли Тошкент шаҳар ҳокимлигининг кўрсатмаси билан ижодий жамоаларимиз шаҳримизнинг турли маданият саройларида машғулотлар ўтказишлари учун жойлар ажратилган. Лекин жамоаларимиз учун алоҳида бино ажратилганда, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Демак, фақат дирекция эмас, балки санъаткорларимизнинг барчаси муайян эътибор, мададга муҳтож?

— Албатта, санъаткорларимиз, хонандаларимиз орасида ўзини тўла таъминлаш билан биргаликда, ишлаган даромадларидан тўлайдиган солиқлари билан давлатимизга ҳам катта наф келтираётганлари талайгина. Лекин улар бармоқ билан санарли. Қолаверса, санъатга фойда келтирадиган тармоқ сифатида қараш тўғри эмас. Санъат — ҳамиша мададга, эътиборга муҳтож бўлиб келган. Қолаверса, миллий мусиқамизни, миллий қўшиқчилигимизни ривожлантириш санъатга эътиборни жуда—жуда кучайтиришни талаб қилади. Айниқса ёш санъаткорларга ғамхўрликни кучайтириш керак. Эътибор берсангиз, бугунги кунда электроникага асосланган Ғарб чолғу асбоблари катта—ю кичик ансамбларимизга кенг қўламда кириб келмоқда. Бу бир томондан яхши. Лекин халқимизнинг асрлар синовидан ўтиб келаётган дутор, тор, доира, ғижжак, най, сурнай, чанг каби бетакрор чолғу асбоблари борки, биз уларни бир четга йиғиштириб қўйишга ҳақли эмасмиз. Бизларнинг ворислик бурчимиз, халқимиз, ватанимиз олдидаги фуқаролик бурчимиз ота—боболаримиз қадрлаган, яратган, такомилига етказган чолғу асбобларидан бундан буён ҳам кенг фойдаланиб, керак бўлса уларни янада такомиллаштириб, келгуси авлодларга етказиш; ёшларимизда мана шу чолғу асбобларига меҳр—муҳаббат уйғотиш, мана шу вазифа энг мураккаб вазифа ҳисобланади. Чунки ҳақиқий хонанда ёки созанда етишиб чиқиши йиллаб йилларни талаб этади. Ёшларимиз осон йўлни қидириб кетмаслиги учун уларга керакли пайтларда ёрдам бериб турсак, бундан маданиятимиз, маънавиятимиз фақат фойда кўради. Охир—оқибатда иқтисодимиз юксалишида ҳам омил бўлиши шубҳасиз. Чунки маънавий қашшоқ халқни моддий бой қилиб бўлмайди. Фақат ёшларимиз эмас, балки катта ёшдаги санъаткорларимиз ҳам маълум маънода ҳам моддий, ҳам маънавий мададга муҳтож. Тирик жон борки, ташвишсиз бўлмайди. Биз давлатимиз ва ҳукуматимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак — оз. Чунки кейинги пайтларда санъаткорларга шарт—шароитлар яратиш, уларнинг маошларини ошириш мақсадида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Умид қиламизки, бундай ғамхўрлик бундан буён яна давом эттирилади.

Суҳбатни Абдул ҲАМИД ёзиб олди.

Маданият хабарлари

ТАФАККУР РИВОЖИ САРИ

Бухоро давлат университети қошида янги «Билим ва амал» клуби фаолият кўрсата бошлади. Клубнинг мақсад ва вазифаси инсон тафаккурининг чексизлиги, у бекиёс ишларга қодирлигини намойиш қилиш, талабаларни жамиятимизда содир бўлаётган турли—туман воқеа—ҳодисаларга онгли муносабатда бўлишга даъват этиш, шунингдек, Ўзбекистон халқларининг маданияти, урф—одатлари билан яқиндан танишиш, аждодларимиз қолдирган маданий меросни ўрганиш ва уни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Клубга Ҳусниддин Эшонқулов раислик қилмоқда. Клуб фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлмаганига қарамай, унинг ташаббускорлари ўтган қисқа фурсатда университет касаба уюшма қўмитаси ва ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида , шунингдек ёшларнинг қизиқишларини чуқур англаган ҳолда ўз ишини ҳар томонлама жонлантирмоқда. Клубда ўтказилаётган «Нима? Қаерда? ' Қачон?» ҳамда «Брейн—Ринг» шаклидаги билим ва билимдонликка ундовчи тадбирлар ёшларда айниқса катта қизиқиш уйғотаётир. Клуб марказ ва факультетларида мутахассисликка оид турли тўгаракларни ташкил этишни ҳам кенг йўлга қўймоқда. Айниқса, клубда талабалар ўртасида ҳамда Ватан муқаддаслиги мавзуидаги баҳс—мунозаралар фойдали бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси клубнинг истиқболи порлоқлигидан далолат бермоқда.

Ғ.ШУКУРОВ.

Ёз—ўтмоқда соз

ОРОМГОҲ ҚЎЙНИДА

«Наврўз» оромгоҳи Уриклисойдан оқиб келаётган тоғ дарёси соҳилидаги қуюқ дарахтлар оғушида жойлашган. Бизни оромгоҳ раҳбари Фарҳод Ражабов қарши олди. Унинг айтишича, оромгоҳга 1968 йили Саттор Усмонов асос солган экан. У киши қарийб 50 йил партия, хўжалик ишларида ишлаган. Мирзачўлни ўзлаштиришдаги фаолияти учун «Чўл бургути», «Мирзачўл маршали» каби номлар соҳиби бўлган. Ана шундай инсоннинг саъй—ҳаракати билан бунёд этилган оромгоҳ бугун дилларга яна ҳам хушнудлик бахш этмоқда. Оромгоҳга Пахтакор туман пахта тозалаш жамоаси ҳомийлик қилаяпти.

Биз дам олувчи ёшлар билан гурунглашдик.

Гўзал ТОЖИҚУЛОВА — Пахтакор туманидаги «Оқ булоқ» хўжалигидаги мактаб ўқувчиси: — Биз ёшларга ҳамма шароит яратилган. Тарбиячи Наргиза Абдуллаева, Феруза Санақулова, Ҳилола Тожиева, Наргиза Камоловалар китоб ўқишади ва бизларга унинг мазмунини сўзлаб беришади. Шахмат—шашка, волейбол, теннис ўйинларида қатнашаяпман.

Хуршида ГАДОЕВА — Пахтакор туманидаги 32—мактаб интернат ўқувчиси. — Биз спорт инструктори Мурод Эргашев машғулотларидан хурсандмиз. «Дзю—До» кураш машғулотларига Жаҳонгир Ашуров тренерлик қилаяпти. Акрам Тоймуродова, Жалол Ашуров, Икром Тоймуродовлар фаол қатнашмоқда. Футбол ўйинида Бахтиёр Қаршиев, Дониёр Қаршиев, Умид Жумаевлар тўп суриш сирларини ўрганишаяпти.

Бахтигул МАМАТОВА — бош етакчи. — Тарбиявий ишларни дастур асосида олиб бораяпмиз. Яқинда Сирдарё вилоятидаги Сирдарё туманига қарашли Назарбек Ҳайдаров номли «Наврўз» оромгоҳлари ўртасида «Балли, қизлар» кўрик—танловини ўтказдик. Танловга ҳар иккала оромгоҳ раҳбарлари Фарҳод Ражабов ҳамда Абдуқодир Нурматовлар бош—қош бўлишди. Ғолиблар китоблар билан тақдирландилар. Хуллас, ёшлар зерикишмайди. Улар қувнаб дам олаяптилар.

Шу атрофда истиқомат қилувчи отахонлар, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари дам олувчилар ҳузурига таклиф қилиниб, бир пиёла чой устида уч авлод учрашувини ўтказиш анъанага айланган. Жумладан, 80 невара ва 17 чеваранинг бобоси Малик ота Иброҳимов билан учрашув ўтказилди. Отахон II—жаҳон урушидаги иштироки, кўп йиллар ўрмонни қўриқлашдаги ишлари хусусидаги хотираларини, ёшларга ҳикоя қилиб берди. Оромгоҳда болалар уч мавсум мобайнида дам оладилар. Пахтакор туманидаги 32—мактаб—интернатининг 50 нафар ўқувчиси эса оромгоҳдан тўғри мактабга борадилар.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

ИСКАНДАРИЯ МИНОРАСИ

1994 йил кузи Искандария бандаргоҳида 20 француз ва 10 мисрлик мутахассис қидирув ишларини бошладилар. Тадқиқотлар сув остида кутилмаган нарсаларга дуч келдилар. Улар 6—8 метр чуқурликдан ҳайкаллар, сфинкслар, улкан устунлар, 70 тонна келадиган гранит—тахталар топдилар.

Бу топилмалар қадимги Искандария минорасининг қолдиқ—бўлаклари эканлигини аниқладилар.

Милоддан аввалги 332—331 йилларда Искандар Зулқарнайн қадимги Мисрнинг маданий пойтахти Искандария шаҳрига асос солади. Шаҳар Нил дарёсининг қуйилишида жойлашган бўлиб, машҳур меъмор Динохар лойиҳаси асосида қурилган эди.

Ривоятларга қараганда, Искандария шаҳрининг лойиҳа — тарихини Искандарнинг ўзи тузиб берган. Шаҳар машҳур денгиз йўллари ўтадиган жойда жойлашганлиги учун савдо—сотиқ, ҳунармандчилик, илм—фан тез тараққий этиб, дунёга донги кетади, кейинчалик Мисрнинг пойтахти бўлиб қолади.

Искандария шаҳри шуҳратининг бутун дунёга тарқалишига фан, санъат ва адабиёт даргоҳи — машҳур Мусейон саройи ҳам сабабчи бўлган. Мусейон фаннинг турли соҳаларида ишлайдиган олимларнинг илмий тадқиқотлар ўтказадиган масканлари ва оромгоҳлари эди.

Миср подшоҳи Искандариядаги Мусейонда олим, шоир, меъморларни турли ташвишлардан ҳоли қилиб, бутунлай давлат ҳисобига яшаб, ижод қилишлари ва илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишга имконият яратган эди. Мусейон — Фанлар Академиясига ўхшаш илмий марказ бўлиб қолган эди. Мусейон олим ва шоирлар учун яна бошқа бир жозибадор кучга ҳам эга бўлган. У ҳам бўлса, Искандариянинг энг бой кутубхонаси шу ерда жойлашган эди.

Хуллас, Искандария олимлари ўз даври учун барча соҳада илмий кашфиёт, ажойиб ижодлар қилганлар. Улар яратган илмий янгиликларнинг айримлари, ҳатто мўъжиза янглиғ замондошларини лол қолдирган.

Шундай мўъжизалардан бири — Искандария минораси эди. У Миср соҳилига яқин, форс оролининг шарқий қирғоғидаги қояга қурилган. Нил дарёсининг Ўрта денгизга қуйилиш жойидаги ётқизиқлар бир неча аср мобайнида денгизни саёзлантириб кемаларни Искандария бандаргоҳига киришни қийинлаштириб қўйган эди. Қирғоқ яқинидаги саёзликлар ва сув ости қоя тошлари кемалари учун хавфли бўлиб қолган эди.

Кемаларни Искандарияга хавф—хатарсиз кириши учун Фарос оролининг шарқий томонига йўл кўрсатувчи маёқ қуришга қарор қилинади.

Милоддан аввалги 285 йилда орол билан қирғоқ орасига шағал тўкиб, кўтарма ёрдамида туташтирилади. Унинг узунлиги 700—800 метрни ташкил этади. Минора — маёқни қуриш машҳур меъмор Сострата топширилади. Сострат ўз вазифасини бажаришга жуда қизиқиш ва масъулият билан киришади.

Милоддан аввалги 280 йилда иншоот қуриб битказилади. Иншоот 120 метр баландликдаги уч қаватли минорадан иборат бўлган. Пастки қавати ҳар томони тенг тўғри тўрт бурчак шаклига эга бўлиб, ҳар қайси томонининг узунлиги 30,5 метрга тенг бўлган. Биринчи қават йирик тош—тахталардан иборат бўлиб, тўрт бурчак томонлари — Шимол, Жануб, Шарқ ва Ғарб томонларга мос келган.

Иккинчи қават эса саккиз қиррали минорадан иборат бўлиб, чиройли мармар—тахталар билан қопланган. Миноранинг саккиз қиррали асосий шамол эсадиган йўналишга қаратилган.

Шиша чироқ ўрнатилган учинчи қават эса юмалоқ шаклда бўлиб, энг усти гумбаз, унинг устига эса афсонавий денгиз тангриси Посейдоннинг бронзадан ишланган, 7 метрлик улкан ҳайкали ўрнатилган.

Гумбаз қисми пардозланган гранит устунлар устига қўйилган. Бу жойда минора машъали ёниб, нури металл ойналарда акс этиб, янада ўткирлашган, узоқ—узоқлардан денгизларга равшан кўриниб турган. Машъал учун ёқилғи пастки икки қават ичидаги айланма, зинапоясимон йўлдан олиб чиқилган. Зинапоясимон йўл чиқиб—тушиш учун қулай ишланган бўлиб, ёқилғи ҳатто эшакка юклаб ҳам олиб чиқилган.

Миноранинг ичида катта гарнизон ҳам жойлашган эди. Қамал пайтларида сувсиз қолиш эҳтимолига қарши, миноранинг ер ости қисмига ичимлик сув сақланадиган катта улкан идиш ўрнатилган. Минора айни вақтда кузатиш жойи бўлган.

Жуда кўп бронза ҳайкаллар саккиз қиррали минора ҳуснига ҳусн қўшиб турган. Бу ҳайкалларнинг баъзиларига механизмлар, шамол йўналишини кўрсатувчи байроқчалар ўрнатилган. Бронза ҳайкаллардан бири қуёш чиқиши билан қўлини кўтариб, қўлини қуёш ҳаракатига мос ҳолда ўзгартиб, қуёш ботгач туширган. Бошқа бир ҳайкал ҳар соатда бонг уриб турган. Искандария минораси ўз даврида улкан ва яккаю—ягона иншоот бўлган Бу тенги йўқ минора Искандарияга келган сайёҳларни ҳайратга солган.

Минора муаллифи, меъмор Сосорат ўз номини абадийлаштириш мақсадида, миноранинг мармар деворига «Мен книдлик Сострат Дексифа ўғли, бу минорани денгизчилар манфаатини кўзлаб, уларни ўз паноҳида асрагувчи тангриларга бағишладим» деб ёзиб қўйган. Замонлар ўтиши билан, юпқа сувоқ тушиб остидаги муаллиф номи юзага чиқиб қолган.

Искандария минораси XIV асргача ўз кўркини сақлаган, сўнг секин аста нурай бошлаган.

Қадимги «фарос» сўзи кемаларга йўл кўрсатувчи маёқ» маъносини англаган. Ҳозирги автомобил, тепловоз, электровоз каби транспорт воситаларининг олд томонига ўрнатилиб, кечалари йўлни ёритувчи «фара» сўзи, Қадимги Искандариянинг «Фарос» ороли номидан келиб чиққан.

Мирфотиҳ МИРАБДУЛЛОҲ ўғли

Божхона бекати

УРГУТ ҚОЛИБ ТОЖИКИСТОНГА

Самарқанд вилояти божхона ходимлари айланма йўллар орқали Тожикистон Республикаси томон ўтиб кетаётган давлат белгиси 67—66 ДБ бўлган «КамАЗ» русумли катта юк машинасини тўхтатиб қуриқдан ўтказаётганларида ҳайдовчи А.Боймуродовнинг устамонлигига қойил қолишди.

Машинага 109 қоп гуруч, 30 қоп майиз, 7 қоп шўр данак, 6 қоп туршак, 4 қоп қовурилган нўхот юкланган экан.

— Мен буларни Ургут аҳолисига сотгани олиб кетаётган эдим,— деди А.Боймуродов тилёғламалик қилиб.

Божхона ходимлари ҳайрон бўлишди. Тожикистоннинг йўлида Ургут нима қилади? Устомон йигит кимни алдамоқчи?

Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилаяпти.

ОҒУФУРУШ «ДЎСТЛАР»

Бу йил Самарқанд вилояти божхона ходимлари «Қора дори» тадбирини ўтказиб заҳри қотилга ружу қўйган қаллобларни қўлга олдилар. Куни кеча Тойлоқ тумани «Олмазор» хўжалигида яшовчи О.Рустамов билан Самарқанд шаҳар Узангарон кўчаси 77—уйда истиқомат қилувчи Б.Муҳамедов 1 килограмм қора дорини 130 минг сўмга сотишаётганида тумшуқларидан илинишди.

Кўринишидан дуппа—дуруст одамларга ўхшаган икки дўстнинг юзи қора бўлди. Энди охирги гапни судда эшитишади.

Давлат Солиқ қўмитаси
Матбуот хизмати.

Спорт

Футбол

...НАВБАТ ТИЖОРАТЧИЛАРГА

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17 январдаги «Узбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари вьа принципларини тубдан такомиллаштириш чора—тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг катта футболимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Профессионал клублар ташкил этиш, футбол майдонларини жаҳон андозаларига мос равишда таъмирлаш каби бир қанча ишлар оммавий футболни ривожлантириш билан бирга амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бу қарор футбол ишқибозлари жонига оро кирди. Айниқса, касаба уюшмалари спорт ва физкультура жамиятларида турли турнирлар утказиш учун янгидан янги имкониятлар очилди. Спорт учун жон куйдириб яшайдиган инсонлар бор булган ҳамма жойда бу имкониятлардан кенг фойдаланилмоқда. Бунга мисол қилиб савдо ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қумитаси қошида очилган «Наврўз» физкультура ва спорт клубини кўрсатиш мумкин. Мазкур клубнинг энг сўнгги тадбирларидан бири кичик футбол бўйича кубок мусобақасидир. Мусобақа бир неча босқичларда утказилди. Биринчи босқич мусобақалари туман, шаҳар миқёсида утказилиб голиб жамоалар вилоят миқёсида беллашмоқдалар. Вилоят голиблари эса август ойида Самарқанд шаҳрида утказиладиган республика финал уйинларида иштирок этадилар.

Ана шундай спорт мусобақаларидан бири Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

«Старт» уйингоҳида икки кун давом этган мусобақада 14 жамоа иштирок этди. Уйин бошида доира тузилишида уйнашган булсалар кейин олимпия системасида давом эттиришди, яъни ютқазган жамоалар битта биттадан уйиндан чиқиб кетишди.

— Шу бугунгача бирорта гол утказмаган эдик, бугун бирданига 3 та гол утказиб қўйдик, яна икки энг яхши уйинчимиз жароҳат олди, — дейди «Юнусобод» акционерлик жамияти жамоаси капитани Мирҳамид Миродилов. — Улар ярим финалда Сиргали туманининг «Озиқа» жамоаси футболчиларига 3:0 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

Мирҳамид нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Наво—Шарқ» фирмасига директорлик қилиш билан бирга уз ўртоқлари билан Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари спорт комплексида салкам икки йил мобайнида футбол билан мунтазам шуғулланиб келади.

Шундай қилиб ярим финалга яна йўлланма учун бўлган баҳсда «Тошкент универмаги» жамоаси «Шайхонтоҳур» футболчиларига 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

«Тошкент универмаги» жамоаси сардори, электр моллари бўлими мудири Ҳасан Қосимов 60 йилларда «Пахтакор»нинг ўсмирлар футбол мактабида тўп сурган бўлса, 70—80 йилларда «Старт» спорт—клуби учун уйнади. Ҳозир у 47 ёшда. Шунга қарамай дам олиш кунларида ўртоқлари билан уйингоҳга келиб ёшини ҳам унутиб икки—уч соат тўп тепишади.

«Озиқа» ва «Шайхонтоҳур» жамоалари ўртасидаги финал баҳси айтиш мумкинки жуда қизғин ўтди. Икки жамоа ҳам рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятлар вужудга келтириб чиройли ҳужумлар уюштирган булсада, «Озиқа»нинг қули баландлиги билинди. 4:1 ҳисобида якунланган уйинда тўпларни Ҳасан Ашуров, Рустам Сиддиқов, Сиддиқ Исломов ва Садриддин Ирматовлар киритишди.

Шундай қилиб «Озиқа» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Мусобақада голиблар ҳам, омадсизлар ҳам бўлди. Катта байрамга айланиб кетган бу турнирдан ҳеч кимнинг кўнгли қолгани йўқ.

Мусобақа ташкилотчилари бўлиши Тошкент шаҳар савдо ходимлари касаба уюшмалари қумитаси раиси Ишонҳужаев ва «Дархон савдо» фирмаси раиси Толбобоевлар ҳам мусобақа ўз мақсадига эришди, деб ҳисоблайдилар. Улар кейинги турнирнинг қачон ўтказилишини балки тижоратчилар ўртасида ҳам шундай турнир ўтказиш керакдир, деган фикр билдиришди.

КЎКДА ИЗСИЗ КЕТМАГАНСИЗ

«Пахтакор—79» хотираси учун ўтказилаётган анъанавий турнир бу йил марҳум пахтакорчи, ҳужумчи Шуҳрат Эшбутаев туғилиб ўсган Навоий шаҳрида ўтди. Мусобақада «Пахтакор», «Нурафшон», «Зарафшон» ва «Прогресс» жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Барча учрашувларни юқори кайфиятда ўтказган Зарафшон шаҳрининг «Прогресс» клуби футболчилари бош совриндан ташқари «Прогресс» клуби футболчилари бош соврин билан тақдирландилар, Фахрли учинчи ўрин эса «Пахтакор» жамоасига насиб этди.

... 1979 йил 11 август Тошкент—Гурев—Донецк—Минск йўналиши бўйича учаётган самолёт ҳавода бошқа бир самолёт билан тўқнашиш натижасида фожиали авиация ҳалокати рўй берди...

Августнинг дилга сокинлик бахш этувчи кечаларида оҳиста юлдузлар сочилиб ётган осмонга тикиламан. Уларнинг гоҳида милтиллаб учиши юрагимга симилатиб оғриқ беради. Улар шу милтиллаб учган юлдузлар каби лип этиб эмас, портлаб осмон фалакка сочилиб кетган эдилар. «Пахтакор—79» фожиаси ҳар дақиқада қалбимизга қайғу солар экан, уларнинг хотираси, ёркин сиймоси олдида секин дуога қул очиб «Илоҳим руҳингиз шод, охиратингиз обод бўлсин» деймиз.

Ҳа, уларнинг номлари диллардан ҳеч қачон учмайди, тилларимизда ҳамиша достон бўлади. Шу боис республикамизда ҳар йили уларнинг хотираси учун хотиравий турнирлар утказилади, уларнинг оила аъзолари йўқланиб, қабрларига гулчамбарлар қўйилади. Ҳар йили марҳум пахтакорчилардан бирининг туғилиб ўсган жойига йиғилиб уларни хотирлаш анъана тусига кирган. 1993 йили Янгиерда, 1994 йили Нарпайда, 1995 йили Жиззахда тўпланишган Пахтакор—79 мухлислари бу йил Навоий шаҳрига тўпланишди. Унда навоийлик пахтакорчи,ҳужумчи Шуҳрат Эшбутаевнинг оила аъзолари билан бирга бошқа марҳум пахтакорчиларнинг яқинлари—Луиза Аширова, Клара Ан, Ольга Баканова, Людмила Корченова, Татьяна Чуркина, Иван Федоров ва Велия Собировалар ҳам йиғилишди. Энг аввало Шуҳрат Эшбутаевнинг хонадонида ош берилди. «Пахтакор—79» аъзоларининг ёркин хотирасини ёдга олдилар, сўнгра катта футбол—шоу бўлиб ўтди.

— Шуҳрат оиламиздаги 8 фарзаднинг ичида энг суюклиси эди. Ойим ҳам, дадам ҳам уни бошқача меҳр билан суярдилар. «Пахтакор» уйинчилари майдонда тўп тепишганида Шуҳратжоннинг сиймоси кўз олдимда намоён бўлади,— дейди Шуҳратнинг опаси Хафиза Эшбутаева.

11 август куни барча футбол мутасаддилари, мутахассислари футболчилар ва мухлислар пойтахтимиздаги Боткин қабристони ва «Пахтакор» марказий уйингоҳида «Пахтакор—79» хотирасига ўрнатилган ёдгорликларни зиёрат қилишди ва гуллар қўйишди.

— 1979 йил 11 август куни ўша даҳшатли фожиа рўй берганига ҳеч ишонгим келмайди. Мана шу воқеага ҳам 17 йил бўлибди. Ўша вақт дунёга келган ўғлонлар 17ёшга тўлибди. Лекин қанча йиллар ўтмасин «Пахтакор» нафақат қалбимиздан чуқур из қолдирган, уни эслаш хотирлаш учун ҳар йили хотиравий мусобақалар, кечалар ўтказиб туриш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир,— дейди Узбекистон футбол Федерацисининг масъул ходими Аҳбор Имомхўжаев. Биз уларни ҳамиша соғиниб яшаймиз.

Фалакларга кетмагансиз ўн етти ўғлон,
Юлдуз бўлиб учмагансиз, нечун жим осмон,
Кўкда изсиз йўқолмаган алпдек жисмингиз,
Албат, абад сақланади дилда исмингиз...

ҒАЛАБА МУБОРАК

Мухлисларнинг интиқиб кутган дамлари ҳам етиб келди.

Мамлакатимизнинг тўрт маротаба чемпиони «Нефтчи» клуби футболчилари иккинчи бор Осиё чемпионлари кубоги мусобақасида қатнашиб дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Улар бу сафарги учрашувда уз майдонида Тожикистоннинг «Ситора» жамоаси устидан 4:1 ҳисобда ғалабага эришдилар. Жавоб уйини эса 16 август Тожикистонда ўтказилади. Энди Узбекистон бешинчи миллий чемпионатининг иккинчи давра 16—турнинг дастлабки учрашувлар натижалари билан танишинг:

«Пахтакор»—«Наврўз»—4:2,«Косонсой»—«Сўғдиена»—3:1, «Атлас-чи»—»Машъал»—6:0, «Навбаҳор»—«Динамо»(Самарқанд)—6:0.

ДУНЁ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

Европа чемпионлар табақасида навбатдаги олти учрашув бўлиб ўтди. Россия олий табақа жамоалари карвонбошиси Владикавказнинг «Алания» жамоаси Шотландиянинг «Глазко—Рейджес» клуби меҳмони булиб 1—3 ҳисобида уйинни бой бериб қўйишди. Қолган учрашувлар натижаларига келадиган бўлсак, «Рапид» (Австрия)—«Динамо»(Украина)—2:0, «Грассхопперс»(Швейцария)—«Славия» (Чехия)—5:0, «Панатинаикос» (Греция)—«Русенборг(Норвегия)—1:0, «Видзев(Польша)—«Брондбю»(Дания)—2:1, «Маккаби»(Израиль)—«Фенербахче»(Туркия)—0:1 ҳисоблдари қайд этилди.

ЕВРОПА БИЗДАН ЎРНАК ОЛСИН

Биз «Европа андозаларига мос равишда «Европача»— деб кўп такрорлашга ва уни ибрат қилиб кўрсатишга ўрганиб қолган эдик. Лекин Туладаги «Арсенал» спорт клубининг уйингоҳига янги футбол чимлари ётқизилди. «Матоматик А.Г» фирмаси тайёрлаган бу қурилмага қишки иситиш системаси ҳам ўрнатилган.

Энди бундай майдонда ёмон уйин кўрсатиш мумкин эмас, — дейди спорт клуб бош директори В.Тябус. Энди бизга европаликлар ҳавас қилсин.

Улуғбек АХРОРОВ.
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

МЕНАЖИМ ТАЪБИРИ

Саломатлигингизни асранг!

(13 дан 20 августгача)

13—15 август оралиғида юрак қон—томир фаолиятида заифлик кузатилиши мумкин. Шу сабабли мана шу кунларда юракни зўриқтирмасликни маслаҳат берамиз. Зеро юрак қон—томир фаолиятида жиддий бузилишлар булиши мумкин. Айниқса ишимик юрак хасталиги ёки миокард инфаркти ва бошқа юрак касалликлари билан хасталанган беморлар саломатликларига эътиборни кучайтирганлари маъқул. Шунингдек, бел оғриғи, белида боди борларнинг хасталиклари ҳам кучайиши мумкин. Шу сабабли белда ва юракда жарроҳлик муолажалари тавсия қилинмайди. Айни кунларда имкон қадар куч—гайратингизни эҳтиёткорлик билан сарфлаганингиз маъқул. Асаб ва қон—томир касалликларининг барчасини шу кунларда даволаш кутилган натижаларни беради. Бу шунингдек, оёқда, айниқса болдирда жарроҳлик учун жуда қулай фурсат.

Ҳис—ҳаяжонларнима учун юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатади? Расмий тиббиет нуқтаи назарига биноан, ҳаяжонланиш, ҳис—туйғуларга эрк бериш қон томирларини торайтириб, хаста аъзода қон алмашинувини қийинлаштиради. Шарқ мунажжимларининг фикрига кўра, бу «анатомик юрак»ка тегишли бўлиб, юрак чакраси (қувват маркази) —инсоннинг асосий юраги «ҳолдан тойганидан» далолат беради. Агар одам ён—атрофдагиларга бегараз, холисона муносабатда бўлиш қўникмасини ҳосил қилмаса, асосий юракнинг мана шундай ҳолдан тойиши, ҳолсизланиши содир бўларкан. Яъни асосий, бош юракда йиғилиб қолган жаҳолат, шахсиятпарастлик, ҳасад, рашк—адоват каби салбий хислатлар юракни сиқувга олади. Шу боис «анатомик юрак» хасталаниб, «сидқидилдан, самимий, олижаноблик билан ён—атрофингдагиларга муносабатда бўла оласанми?» дегандай огоҳлантиради. Бу жиддий савол бўлиб, унга ҳар ким ҳаёти давомида жавоб бериб боради. Ҳозир эзгулик ва ёвузлик сайёралари — Селена ва Лилит бир—бирига нисбатан шундай вазиятда (60 градус—секстил) турибдиларки, инсон эзгулик ёки ёвузликдан қайси бирига хизмат қилишни аниқлаб олиши зарур ва лозим. Дарвоқе, Лилит сайёраси — Шер белгисидан ўтиб боради, Шер белгиси эса юрак фаолиятига жавоб беради. Бу борада огоҳлантириш турли шаклларда бўлиши, масалан ҳаяжонланиш, кутилмаган тасодифлар орқали булиши ҳам мумкинки, ҳаммасига шай бўлмоқ керак.

16—17 август кунлари ошқозон—ичак йўли (йўғон ичакдан ташқари) фаолиятида заифлашиш кузатилади. Шу боис ўта зарурат бўлмаса, қорин бўшлиғида жарроҳлик муолажаларини қилдирмаган маъқул. Шу кунларда парҳезга эътибор бериш даркор, чунки ошқозон—ичак йўлидаги сурункали касалликлар зўрайиши эҳтимоли бор. Оч юриш, рўза тутиш ҳам фойдадан ҳоли эмас, қолаверса, Ой ҳозир тўлишиб бормоқда. Қон ва жигарни тозаловчи муолажаларни қилиш, тери касалликларни даволашни бошлаш ҳам фойдали.

18—19 август кунлари эса буйрак, сийдик пуфаги, буйрак усти бези, ошқозоности безларининг заифлашуви кузатилади. Шу боис бу аъзоларда ўта зарур бўлмаса, мураккаб муолажалар ва жарроҳлик қилдирмаслик керак. Қандли диабет, сурункали панкреатит билан оғриганлар ҳам парҳезга эътиборни кучайтиришлари зарур. Буйракларни тузлар билан зўриқтирмаслик керак. Қайд этилган аъзоларга айниқса 18 август куни эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак, чунки тананинг умумий қуввати камайгани сабабли бош оғриши, қон босими тушиб кетиши ёки кутарилиши мумкин. 19 августда эса жигар, ўт пуфаги хасталанган кишилар овқатни танлаб истеъмол қилишлари, спиртли ичимликлардан тийилишлари мақсадга мувофиқ. Шу куни аллергик реакциялар, заҳарланишлар, ихтиёрсизлик кучайишига мойиллик ортиши мумкин.

20 августда жинсий аъзолар заифлашади, шу боис имкон қадар мураккаб жарроҳлик муолажаларини қилдирмаслик керак. Тўғри ичак ва жинсий аъзоларни даволатиш мақсадга мувофиқ эмас. Томоқ, бўйин, эндокрин аъзолар хасталигини даволашни бошлаш, жарроҳлик муолажаларини қилдириш хайрли тугайди. Шунингдек, шу куни кутилмаган турмуш зарбаларига, кайфиятнинг кескин узгариши, жанжалли ҳолатларга тайёр туриш керак. Ноқулай турмуш вазиятларидан умидворлик билан чиқишга интилинг. 20 августда юрак қон—томир ва асаб тизимларининг, шунингдек жинсий аъзоларнинг ҳолати бир—бири билан боғлиқ бўлади. Шу боис бир аъзонинг заифлашуви бошқасининг ҳам заифлашувига сабабчи булиши мумкин. Ҳаммаси муайян вазиятда Сизнинг қандай муносабатда булишингизга боғлиқ булади. Имкон борича, мажороли вазиятларга қушилманг.

13—20 августгача бўлган даврда, айниқса 16—17 август кунлари ошқозон, жигар, ўт пуфаги заиф ҳолатда бўлади. Ҳайдовчиларнинг барчаси, айниқса 18 августда рулда ҳушёр булганлари мақул . 16—17 август кунлари ошқозон хасталиклари қучайиши, бу ўз навбатида жигарга, ўт пуфагига салбий таъсир қилиши мумкин.

18 августда буйрак, буйрак усти бези, пешоб пуфаги, ошқозон ости бези билан хасталанган беморлар саломатлиги айниқса тез узгариши мумкин. Қон босимида ҳам узгаришлар булиши мумкин.

Усма хасталиги борлар учун саломатликлари яхшиланиши учун қулай имкониятлар юзага келади. Сиздан ноанъанавий тиббиет нуқтаи назаридан Саломатлигингизни мушоҳада қилиб куришни тавсия этамиз. Айнан эса камра, реинкарнация қонуни, инсон иродасининг эркинлиги тўғрисидаги таълимотларни мушоҳада қилиб куришингиз фойдадан ҳоли эмас. Шу таълимотлар билан боғлиқ адабиетлар билан қизиқишингизни тавсия этамиз.

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ!

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР, ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Республика кўчмас мулк биржаси Сиз, барча тадбиркор ва йирик сармоядорларни 23 август 1996 йил соат 10.00 да Ўзбекистон «Биржалар маркази» биносида ўтказиладиган «Кимошди» савдосига таклиф этади.

САВДОГА:

1. Тошкент вилояти, Қўшёғоч посёлкасининг жанубий томони, Чирчиқ дарёси ёқасида жойлашган «Деҳқончилик қурилиш техник бутлаш» акционерлик жамиятининг мебель ишлаб чиқариш фабрикаси қўйилади. Қурилиши тугалланмаган фабрика -болалар, мактаблар ва офислар учун мебеллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ер майдони-2,5 га. Бошланғич баҳоси-5 млн 300 минг сўм.

2. Тошкент шаҳри, Камарнисо-Чимбой кўчасидаги қурилиши тугалланмаган Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси (КАЁҚШ) - ер майдони билан бирга қўйилади. Ер майдони сатхи - 0,08 га. Бошланғич баҳоси-1 млн 15 минг 200 сўм.

3. Тошкент вилояти, Чиноз шаҳридаги Тўқимачилик ишлаб чиқариш комплекси қўйилади. Қурилиш ишлари 25 % га бажарилган. Ер майдони сатхи-3,6 га. Бошланғич баҳоси-5 млн 500 минг сўм.

4. Тошкент вилояти, Келес шаҳридаги Каноп йигирув фабрикаси қўйилади. Қурилиш ишлари 15% га бажарилган. Ер майдони-23 га. Бошланғич баҳоси-20 млн сўм.

5. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Боёвут» совхозида жойлашган Тўқимачилик фабрикаси қўйилади. Қурилиш ишлари 15 % га бажарилган. Ер майдони сатхи-4,15 га. Бошланғич баҳоси-12 млн 500 минг сўм.

6. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Октябрь» колхозидаги Ипак йигирув фабрикаси қўйилади. Қурилиши ишлари 12% га бажарилган. Ер майдони сатхи-7,92 га. Бошланғич баҳоси-8 млн 300 минг сўм.

Аукционда қатнашиш учун ва барча зарур маълумотлар олиш юзасидан Республика кўчмас мулк биржасига ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 10 уй.

Ўзбекистон «Биржалар маркази», Республика кўчмас мулк биржаси, 3-қават, 13-хона.

Телефонлар: 36-15-28, 36-15-29, 36-79-62, 39-41-24, 39-85-46.

КЎЧМАС МУЛК ИНҚИРОЗДАН ХОЛИСДИР! КИМ ОШДИ САВДОСИГА ШОШИЛИНГ!

Ўзингизни билинг!

ОЗИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Ун банддан иборат қуйидаги синов—суровларни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Уларда сўзсиз бажаришингиз керак булган ҳамма шартлар бор. Уларда баён қилинган тамойилларга амал қилиб Сиз кўп ҳам уринмай, танангиздаги ортиқча вазндан халос буласиз.

Саволларга «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб берасиз. Ижобий жавобингиз учун 10 очко, салбийсига эса — 0 қуйилади.

Яхши тушуниб олишингиз учун саволларни биринчи шахс номидан ифодалайсиз.

1. Эрталаб мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланаман.

2. Истеъмол қиладиган таомларимнинг қувватини ҳамиша билиб, ёдимда тутаман.

3. Тез—тез, аммо оз—оздан кунига 5—6 марта овқатланаман. Энг яхшиси — аниқ айтилгани, 6 марта булса — 6 марта, 5 марта булса — 5 марта.

4. Тиббий тарозу олдидан ҳеч қачон беписанд ўтиб кетмайман ва вазнимни мунтазам кузатиб бораман.

5. «Улфатчилик»да бир бўлиб овқат ейишдан ўзимни бемалол тия оламан.

6. Уйда ҳамиша парҳез таомлар — қатиқ, сузма ва бошқалар бўлади.

7. Ширинликни бутунлай рад этмайман, лекин меъёри билан, ширинлик лаззатини чузмоқчи булгандай секин тановвул қиламан.

8. Таомлар жуда хуштаъм бўлишига қарамай, кўпинча чала туйиб овқат ейман. Умуман, косада озроқ овқатни қолдиришни афзал кўраман, чунки бўкиб овқатлангандан кура, сал туйинқирамаган маъқул деб уйлайман.

9. Энг яхши кўрган таомимни сурайверишдан ўзимни тияман — ҳатто уни жуда согинган бўлсам ҳам.

10. Айнан шу тарздаги овқатланиш тартибига риоя қилиб ўзимни жуда яхши ҳис қиламан. Мабодо уни қаердадир ва қачондир бузадиган булсам — ўзимни койийман.

Ушбу синов—суров жавоблари бўйича хулосаларни газетамизнинг келгуси сешанба сонида ўқийсиз.

«БУЮМЛАРГА ҚАНДАЙ ҚАРАЙСИЗ?»

Табиийки, буюмларга муносабат бўйича етти саволга жавоб бериш билан Сиз буюмпарастмисиз ёки йўқми — бу ҳақда қатъий ҳукм чиқара олмайсиз. Бироқ, мазкур синов—суровлар буюмларга булган муносабатингиз, уларнинг ҳаётингизда тутган ўрни ҳақида ўйлаб кўришга Сизни мажбур этиш мумкин.

Агар жавобингиз асосан А, Д ҳарфлари билан белгиланган бўлса — Сиз буюмларга, уларни харид қилишга ўзингизни бошқалар билан қиёслаб, улар сиздан кўпроқ нарсага эга эканини сезсангиз, бундан безовталанасиз, ҳатто ўзингизни бироз бахтсизроқ ҳис этасиз.

Мабодо, жавобларингиз кўпроқ Б, Г ҳарфлари билан белгиланган бўлса — Сиз мазкур масалага босиқлик билан қарайсиз, фақат ўзингизга қулайлик тугдирувчи ва ўз куч—қудратингизга ишончингизни мустаҳкамловчи нарсаларнигина харид қилишга интиласиз. Бироқ, бу соҳада ҳасад ва рақобатчиликдан ҳоли эмассиз.

Жавобларингизнинг кўпи В, Е дан иборатми? Ундай булса — яқинларингиз Сизнинг ҳақингизда нималар дейишади? Улар сизни уқувсизликда айблашмайдими? Сиз, ўзингизни бошқалардан анча бахтлироқ деб ҳисоблашмайдими? Улар гапираверишсин — парво қилманг! Кичкина ишларни адо этишдан қониқиш олишингизнинг ўзи жуда яхши. Бу чиндан ҳам олижаноб фазилат.

ЙИЛЛИК БАЛАНС

Тошкент шаҳар «Зангори экран» техник савдо ҳиссадорлик жамияти корхонасининг 1995 йилги баланси(нинг сўм ҳисобида)
Сальдос (қолдиқ)

БАЛАНС ҚИСМЛАРИ	актив (минг сўм ҳисобида)	пассив (минг сўм ҳисобида)
1. Устав фонди ва манбалари	—	3780
2. Асосий маблағлар ва оборотга кирмаган бошқа активлар	2683	—
3. Запаслар	—	—
4. Пул маблағлари, расчётлар ва бошқа активлар	98	—
5. Узоқ муддатли қарзлар	—	—
6. Қисқа муддатли қарзлар	—	94
7. Буюртмачининг авансларн	—	—
8. Бюджет билан расчетлар	—	84
9. Бошқа пассивлар	66	853
БАЛАНС	4811	4811

1995 йилда ҳаммаси бўлиб 142 минг сўм фойда олинди, бюджетга туловлар 54 минг сўмни, фойда 88 минг сўмни ташкил этди. Фойданинг 34 минг суми дивидентларга тўланди, 20 минг сўми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди.



ИШОНЧ

Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт — 56-82-79. Ахборот ва спорт — 56-87-63. Маънавият ва маданият — 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш — 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ — 56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-24. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-58-43. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
- Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шахри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Нашр курсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Нусхаси — 27.999. Буюртма Г- 0453. Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди 21.00. Масъул навбатчи: Улуғбек Мирзо Ахрор